O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATA
INV.№

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
30 август
ЧОРШАНБА
№ 69-71
(11.872-874)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон-Япония:
ДЎСТ, ШЕРИК ВА СТРАТЕГИК ҲАМКОР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Япония Бош вазири Жунъичиро Коидзуми 29 август куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Япония Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган давлатлардан. Ўзбекистон истиқлолга эришган илк йиллардан бошлаб у мамлакатимиз билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, юртимиздаги кенг кўламли ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бош вазир Жунъичиро Коидзумининг энг улуғ ва энг азиз байрамимиз арафасида Ўзбекистонга ташриф буюришида чуқур рамзий маъно бор. Бу Японияниng Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга интилишидан, ўзаро муносабатларни қадрлашидан далолатдир.

Дўрмон қароргоҳида Япония Бош вазирини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Япония Бош вазири Жунъичиро Коидзуми шоҳсупага кўтарилдилар. Давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон ва Япония раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ислом Каримов ва Жунъичиро Коидзумининг яккама-якка суҳбати бошланди. Унда Ўзбекистон-Япония муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид кенг кўламли масалалар, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Ислом Каримов ушбу мулоқот Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида ўтаётгани халқларимизнинг бир-бирига ҳурмат-эҳтиромидан, ўзаро ишонч ва манфаатдорлик асосидаги ҳамкорликни равнақ топтириш йўлидаги истак ва интилишлари муштарак эканлигидан далолат беришини таъкидлади.

Жунъичиро Коидзуми ушбу ташриф икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш масалаларини чуқур таҳлил этиш, ҳамкорликни кенгайтириш имкониятларини кўриб чиқиш, халқаро майдонда баҳамжиҳат ҳаракат қилиш борасида атрофлича фикр алмашиш учун қулай имкон яратишини қайд этди.

Томонлар ўзаро ҳамкорлик Президентимизнинг 2002 йили Японияга ташрифи чоғида имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнотга муносиб равишда ривожланиб бораётганини таъкидлаб, байрам кунлари қутлуғ айём шукуҳи билан ўтказилаётган бу галги музокаралар

(Давоми 2-бетда).



ХАЛҚИМИЗГА МУНОСИБ БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Ватанимиз Мустақиллигининг 15 йиллик байрами арафасида истиқлол йилларида ҳаётнинг барча жабҳаларида қўлга киритган ютуқларимиз, юртимизда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришлар акс этган "Ўзбекистон. Мустақил тараққиёт йўли" деб аталган фотоальбом нашрдан чиқди.

Жонажон Ўзбекистонимизнинг гўзал қиёфаси, табиат манзаралари, юртимизда янги ҳаёт, янги жамият қуришдек олижаноб мақсад йўлида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, одамларимизнинг дунёқараши, онгу тафаккурида рўй бераётган ўзгаришлар, хусусан, мулкка ва меҳнатга янгича муносабат, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий, социал соҳаларда эришилаётган натижалар альбом саҳифаларида ранг-баранг фотосуратлар воситасида ифода этилган.

Фотоальбом йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг "Мустақиллик тақдиримизни ўз қўлимизга олиш, бунёдкор халқимизнинг кучқудратидан, Ўзбекистон аталмиш бетакрор ва саховатли заминнинг улкан салоҳиятидан тўлиқ ва оқилона фойдаланиш учун, муқаддас Ватанимизга бутун борлиғимизни бахш этиш учун, миллатимиз ва давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши учун шарт-шароит яратгани билан азиздир", деган теран маъноли сўзлари билан очилади. Альбом саҳифаларини безаб турган, юртимиз, одамларимиз, ёшларимиз, уларнинг эзгу интилишлари, азму шижоати акс этган лавҳа ва фотосуратларда бу фикрларнинг амалий тасдиғини кўрамиз.

Фотоальбомда Ўзбекистон Республикаси ҳақида маълумотлар – юртимизнинг бой ва қадимий тарихи, маданияти, меъморий обидалари, аҳолиси, ижтимоий-иқтисодий имкониятлари, марказ ва жойларда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланиш жараёнлари ҳақида маълумотлар ҳам берилган. Бу китобхонларнинг мамлакатимиз ҳақидаги билими ва тасаввурини кенгайтиришга хизмат қилади, албатта.

Хусусан, "Ўзбекистон қадимий цивилизация ва маданият бешиги" бўлимида узоқ ўтмишга доир осори-атиқалар, миллий қадриятларимиз ҳақидаги маълумотлар, шу жумладан, Имом Бухорий, Имом Мотурудий, Аҳмад Фарғоний, Амир Темур каби буюк аждодларимизнинг қадамжолари, Шоҳи Зинда, Регистон, Масжиди Калон сингари қатор меъморий мажмуаларни қайта тиклаш ва обод қилиш йўлида олиб борилган ишлар тасвирланган.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз сўзи ва нуфузига эга бўлган давлат. У кўплаб жаҳоншумул муаммоларни ҳал этишда ўзининг қатъий позициясида туради. Альбомнинг "Жаҳонга юз тутган давлат" деб номланган бобида Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати, ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш, минтақада ва дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш йўлида олиб бораётган фаолияти тўғрисида ҳикоя қилинади. Давлатимиз раҳбарининг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасидаги учрашувлари, йирик хорижий давлатлар раҳбарлари билан мулоқотлари акс этган фотолавҳалар юртдошларимизда катта қизиқиш уйғотиши табиий.

Маълумки, мамлакатимиз пойтахти Тошкент кейинги йилларда тинчлик ва бунёдкорлик шаҳри, улкан стратегик аҳамиятга эга сиёсий марказ, муҳим иқтисодий мегополисга айланди. Альбомнинг "Мустақиллик ва эзгулик рамзлари" бўлимидан жой олган, пойтахтимизда амалга оширилган кенг кўламдаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, хусусан мамлакатимизнинг бош майдони – Мустақиллик майдони қиёфасининг тубдан янгиланган, бу ерда барпо этилган Сенат биноси, Эзгулик аркаси, Мустақиллик ва эзгулик монументи, яшил хиёбонлар, фавворалар мажмуаси акс этган суратлар киши кўзини қувонтиради.

Шунингдек, альбомда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, демократия тамойилларини қадр топтириш, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, миллий армиямизни ислоҳ қилиш, инсон манфаатларини таъминлаш, маданият, спортни ривожлантириш, баркамол авлодни вояга етказиш, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини бажариш йўлида қилинаётган ишлар ҳам ёрқин ҳаётий лавҳаларда ифодаланган. Энг муҳими, халқимизга хос бағрикенглик, саховатпешалик фазилатлари, диёримизда қарор топган фуқаролар ва миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳити, юртимизнинг бугунги ҳусн-тароватини акс этган фотосуратлар альбомни варақлаган ҳар бир одамда ўз Ватани, халқи билан фахрланиш туйғуларини янада кучайтиради.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда матбаачилик соҳасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Полиграфия саноатига янги технологиялар олиб келинди. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан юксак сифат билан кўп нусхада чоп этилган, истиқлол йилларида эришган марраларимизнинг ўзига хос кўзгуси бўлган ушбу фотоальбом халқимиз учун ажойиб байрам туҳфаси бўлиши шубҳасиз.

ЎзА.

Дил изҳори

АНЪАНАЛАРИГА СОДИҚ ХАЛҚ

Мен Ўзбекистон, унинг тарихи, тараққиёти, юртингиз билан алоқаларим тўғрисида узоқ вақт ва улкан мамнуният билан сўзлашим мумкин.

15 йил муқаддам мустақил Ўзбекистон дунёга келди. Иккинчи жаҳон уруши даврида мен шу ерда, аниқроғи, Тошкент ва Фарғонада яшаганман. Ўша оғир дамларда ўзбек халқининг меҳмондўстлиги шарофати билангина тирик қолдим.

Орадан кўп йиллар ўтгач мен БМТ эксперти сифатида Марказий Осиёнинг ядро қуролидан холи ҳудудга айлантирилишига кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистонга келдим. Ушбу катта лойиҳа ўз самарасини бера бошлади. Биз тез орада ана шундай ҳудудни белгиловчи шартноманинг имзоланишини кутмоқдамиз.

Яқинда Ўзбекистонда ўтган парламент сайловларида мен кузатувчи сифатида иштирок этдим. Бу ҳам ҳаётимдаги муҳим воқеалардан бўлди. Ҳар гал мамлакатингизга келганимда, иқтисодий соҳада амалга оширилган ўзгаришларни кўриб қувонаман.

Барча ўзбекистонликларнинг турмуши янада фаровон бўлиши, мамлакат гуллаб-яшнаши, юксалиши ва демократик институтларни барпо этишда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритишини тилайман. Ўзбекистоннинг муқаддас заминида доимо тинчлик ва фаровонлик ҳукмрон бўлсин.

Жозеф ГОЛЬДБЛАТ,
Жаҳон муаммоларини тадқиқ этиш бўйича халқаро институт вице-президенти.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

БИЗГА ИШОНГИН, ВАТАН!

Туморлар тиладим сенга тангридан,
Энди қайғу кўрма, қувонгин Ватан.
Юзинг ёруғ чиқди ҳурлик жангидан,
Фақат бизга ишон, ишонгин Ватан.

Тупроғингдан унган гиёҳлар ҳаққи,
Аждодларим ёққан чироқлар ҳаққи,
Шу кунларни кутган фироқлар ҳаққи,
Фақат бизга ишон, ишонгин Ватан.

Осмондан тушмади нодўстларинг ҳам,
Озодлик қадрига етмаган одам —
Одаммас, эл шоҳид, йўқ бунга шубҳам,
Фақат бизга ишон, ишонгин Ватан.

Ўзбекмиз, қадиммиз, қардошимиз бор,
Боболардан мерос бардошимиз бор,
Юрт юкин кўтарган юртбошимиз бор,
Фақат бизга ишон, ишонгин Ватан.

Ёруғ манзилларга йўл олдинг, шодмиз,
Келажак олдида масъул авлодмиз,
Фарзандмиз, она юрт, сенга нажотмиз,
Фақат бизга ишон, ишонгин Ватан.

Қучоғимга сиғсанг, қучолсам қани,
Бахт бўлиб бошингда учолсам қани,
Бизга ишонсанг бас, асраймиз сани,
Фақат бизга ишон, ишонгин Ватан.

Ўн беш йил ўйлари

КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?

Одам кундалик ташвишлар билан елиб-югуриб, баъзан ўн беш кун бурунги воқеани эслолмайди. Лекин бир ярим асрга яқин мустамлака зулмининг аччиқ-аччиқ аламларини чеккан халқ Истиқлолнинг ўн беш йилида босиб ўтган йўлини унутиши, таҳлил қилмаслиги, қадрига етмаслиги мумкин эмас.

Ўз-ўзидан, бир савол майдонга тушади: ким эдигу ким бўлдик?

Бу саволга тўлиқ жавоб бериш учун жилд-жилд китоб ёзиш керак. Қисман ёзилди, ёзиляпти, ёзилади ҳам. Бироқ, ҳар ким бу масалада ўзича фикрлаб, ўзига хос мулоҳаза юритаверади.

Очиғини айтганда, мустамлакадан қутулиб, янги миллий давлат қуриш ҳеч бир халқ учун осон кечмаган. Биз ҳам худди шундай ўта мураккаб, машаққатли, синов-имтиҳонли йўлни босиб ўтдик. Инсоф билан айтиш керак – муваффақиятли босиб ўтдик.

Мамлакат ҳаётида юз берган ўзгаришларни учга – сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислоҳотларга бўлиб таҳлил этиш мумкин.

Сиёсий жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси жаҳондаги тенг ҳуқуқли мустақил давлат сифатида юз кўрсатди. Халқаро майдонда муносиб ўрнини эгаллади. Ўз овозига, ўзига хос мавқеига эга бўлди.

Байроғи, Герби, Мадҳияси, Конституцияси, давлат тизими, миллий пули, миллий армияси... бор. 500 дан ошиқ янги қонун қабул қилинди. Уларнинг бари амалда жамиятни демократлаштириш, бозор иқтисодиётини шакллантириш, ҳуқуқий давлат қуришдек эзгу мақсадларга қаратилган.

Давлат ҳокимиятининг бўлиниши изчил демократик қатъиятлар асосида такомиллашиб, замонга мослашиб бормоқда. Кўппартиявий жамият барпо этилди. Халқ муқобил сайловга ўрганди. Фуқаролар орасидан шундай сиёсий фаол шахслар етишиб чиқдики, сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлар улар номзодини депутатликка қўйди, улар сайловчилар ўртасида ўз дастури билан чиқиб, Ўзбекистонимизни ривожлантиришга оид фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлади. Халқ шунга мувофиқ уларга овоз берди.

Бир қарашда, кимларгадир булар шунчаки расмият, шунчаки кампания бўлиб туюлар. Лекин бугун тараққий этган давлатларнинг ҳаммасида демократиянинг талаби шу. Шу асосда табиий танланиш юз беради. Шу асосда фикрлар хилма-хиллиги учун реал омил юзага келади. Шу асосда халқ ғоянинг яхшисидан яхшироғини танлаш имкониятига эга бўлади.

Шўро даврининг охирги йилларига келибгина муқобил сайлов жорий қилина бошлаган эди. Унгача депутатликка номзодлар тепадан тузилган сетка асосида рўйхатга олинар, бир ўринга биттагина номзод кўрсатилар эди: хоҳласанг ҳам шуни сайлайсан, хоҳламасанг ҳам.

Бошқарувда жамият ташкилотларининг ўрни ва мавқеи кескин ошди. "Кучли давлатдан кучли жамият сари" шиори изчил амалга оширила боряпти. Демократик тузумда давлат бошқарувнинг уч асосий йўналишинигина бўйнига олади. **Биринчиси** – қонун чиқарувчи ҳокимият. Бу халқаро атамада парламент дейилади. Бизда парламент – Олий Мажлис. У икки палатадан – қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат. **Иккинчиси** – ижроия ҳокимият. Ҳокимиятнинг бу тури ҳукумат дейилади. Бизда Вазирлар Маҳкамаси ҳамда унга тегишли вазирлик ва ташкилотлар. **Учинчиси** – суд ҳокимияти.

Қолган вазифалар жамият зиммасига юкланади. Жамоат ташкилотлари, керак бўлиб қолса, давлат ташкилотлари фаолиятини ҳам таҳлил этиши, ўрни келганда, жамоатчилик назоратини амалга ошириши, бошқача айтганда, давлат идоралари ишига ҳар тарафлама кўмаклашиши лозим.

Бу ўзгаришлар кишилар онгидаги ҳамма нарсани давлатдангина кутиш каби эски иллатни бартараф этишга олиб келди. ҳамма нарса жой-жойига тушди: тарихда Одам Атодан то ҳозиргача ҳеч бир давлат халқини боққан эмас. Шўро давлати халқ қўлидан деярли барча мулкни тортиб олган ва "сенларни мен боқяпман" деб писанда ва миннат қилган. Ҳолбуки, амалда халқ ўзини ўзи ва давлатни ҳам боққан.

(Давоми 3-бетда).

ЯНГИ ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

Республика киночилар уйида "Жавоҳирлар хазинаси" номли янги фильмнинг тақдимот маросими ўтказилди.

Мазкур фильм Ўзбеккино Миллий агентлиги ташаббуси билан Республика илмий оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида суратга олинган.

Унда 2000-2006 йиллар давомида нашр этилган 12 жилддан иборат Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг яратилиш тарихи, ўқувчиларнинг ушбу манба хусусидаги фикр-мулоҳазалари, унинг маънавий ҳаётимизда тутган ўрни ҳикоя қилинади.

Рустам ҲАЙДАРОВ,
«Туркистон-пресс».

Ўзбекистон-Япония:

ДЎСТ, ШЕРИК ВА СТРАТЕГИК ҲАМКОР

албатта самарали бўлишига қатъий ишонч билдирдилар.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон ва Япония, жуғрофий узоқликка қарамай, бир-бирига анча яқин давлатлардир. Япония Ўзбекистон орқали Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Ўзбекистон учун Осиё-Тинч океани мамлакатлари билан алоқаларни кенгайтиришда Япония билан муносабатлар муҳим ўрин тутади. Кунчиқар мамлакатнинг юқори технологиялари ва сармояси савдо-иқтисодий алоқаларни равнақ топтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Япония Бош вазирининг ташаббуси билан бу мамлакат ташқи сиёсатида "Ипак йўли дипломатияси", "Марказий Осиё плюс Япония" мулоқот механизми шаклланган. Бу мамлакат Марказий Осиёдаги интеграция жараёнларини кенг қўллаб-қувватлаб келмоқда. Япония Марказий Осиё мамлакатлари билан сиёсий мулоқотларни фаоллаштириш, бу ерда минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, бизнес, маданият ва илм-фан намояндаларининг алоқаларини кенгайтиришга катта қизиқиш билан қарайди. Шунингдек, Кунчиқар юрт Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиё умумий бозорини шакллантириш ташаббусини ҳам юксак баҳолайди. Афғонистондаги тикланиш ишларида Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилиш тарафдори.

Ислом Каримов ва Жунъичиро Коидзуми ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор эканини қайд этдилар. Ўзбекистон ва Японияниинг кўплаб халқаро муаммоларга қарашлари ўхшаш ва яқинлиги таъкидланди. Жумладан, Ўзбекистон Японияниинг БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари сафидан жой олишини ёқлаб келади.

Ўзбекистон ва Япония раҳбарлари мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда асосий диққат-эътибор савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига қаратилди.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон қўмиталари тузилган. Улар ҳар йили қўшма мажлис ўтказиб, ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилайди, амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, истиқбол режаларини ишлаб чиқади. Япония-Ўзбекистон қўмитасига Йосиро Мори, Таро Асо сингари таниқли сиёсатчилар, "Мицуи", "Марубени", "Тошиба", "Чори", "Тойота", "Шимидзу" каби корпорацияларнинг, йирик банк ва молия муассасаларининг раҳбарлари аъзо бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳозир мамлакатимизда ўндан зиёд Ўзбекистон-Япония қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Ташқи савдо ташкилотининг (JETRO), "Мицуи", "Мицубиси", "Сумимото", "Нише Иваи", "НЭК", "Тойота Цусе" каби 22 йирик корпорациянинг ваколатхоналари очилган. Япония сармояси иштирокида мамлакатимизда ўндан ортиқ йирик лойиҳа амалга оширилянти. Масалан, Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлини барпо этиш лойиҳаси учун Япония ҳукумати 150 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда имтиёзли кредит ажратган, Боғот ва Қўқонда тайёр экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарадиган тўқимачилик мажмуалари қурилишини молиялаштириш учун Япония Халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) билан жами 90 миллион долларлик кредит шартномалари имзоланган.

Умуман, ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан кейинги даврда Японияниинг Ўзбекистонга киритган сармояси ҳажми 2 миллиард АҚШ долларига яқиндир. Япония ҳукуматининг "Тараққиётга расмий ёрдам" дастури доирасида 910 миллион, Япония Халқаро ҳамкорлик банкининг тижорий кредитлари орқали ёқилғи-энергетика мажмуи ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун 820 миллион доллар ажратилган.

Ижтимоий-маданий ҳамкорлик доирасида 2004 йилнинг мартида Японияниинг етакчи олий ўқув юртларидан бири саналган Сока университетида буюк шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатилгани ва ҳар йили 9 февраль куни Навоий кечаси ўтказилиб, ҳайкал пойига гуллар қўйилишини, 2001 йили мамлакатимиз пойтахтида Япон боғи очилганини, 2003 йилда "Тинчлик қўнғироғи" мажмуи барпо этилганини, 2005 йили эса "Хиросима тинчлик тоши" ўрнатилганини, Ўзбекистондаги таълим ва шифо масканлари замонавий техника ва ускуналар билан таъминланиб келаётганини, Япония маданияти кунларини ўтказиш яхши анъанага айланиб бораётгани ва бу анъананинг қамрови йил сайин кенгаяётганини, таълим соҳасидаги яқин алоқаларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Кунчиқар мамлакат Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини изчил қўллаб-қувватлаб келаётир. Хусусан, "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш" лойиҳаси учун грантлар ажратмоқда. Кўплаб мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида лингафон кабинетлари, компьютер марказлари ишга туширилянти, таълим муассасалари замонавийлаштирилмоқда. Японияниинг нуфузли университетларига 138 ўзбекистонлик талаба ўқишга юборилган. Кунчиқар юртда малака оширган мутахассисларимиз сони эса мингга яқинлашди. Айниқса, Васеда, Нагоя университетлари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган.

Академик доиралар археологик тадқиқотлар ўтказишда изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, Далварзинтепани тадқиқ қилиш бўйича тузилган Ўзбекистон-Япония қўшма экспедицияси катта муваффақиятларга эришди. Бу ердаги қадимий Будда ибодатхонасидан чиққан II-III асрларга оид топилмалар Японияда ўтказилган махсус кўргазмада катта қизиқиш уйғотди.

Тошкентда Япония маданият маркази, "Ўзбекистон-Япония" дўстлик жамияти, Ўзбекистон-Япония инсон ресурсларини ривожлантириш маркази фаолият кўрсатмоқда. Юртдошларимиз уларда тил ўрганиб, компьютер ва бизнесга оид билимини такомиллаштирмоқда.

Японияниинг Ватаучи мактабида Ўзбекистоннинг бугунги ҳаёти, тарихи, маданияти ва анъаналарига бағишланган тадбирлар ўтказиш анъанага айланган. Хусусан, Ўзбекистон бадиий академияси билан ҳамкорликда ёш ўзбек ва япон рассомлари асарларининг кўргазмаси ташкил қилинди. Фукусима шаҳрида "Фукусима-Ўзбекистон" маданий-иқтисодий ҳамкорлик уюшмаси фаолият юритмоқда. Ўзбекистон делегацияси жорий йил бошида Токиода ўтказилган XIV халқаро маданият фестивалида фаол қатнашди. Тошкентда миллий ва замонавий япон мусиқаси концертлари бўлди.

Кунчиқар мамлакат уруш йиллари тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган ва ўзбек заминида абадий қўним топган япон фуқароларига халқимиз кўрсатган меҳр-мурувватни унутмайди. Улар хотирасига атаб Тошкентда, пойтахт вилоятининг Бекобод, Ангрен ва Янгийўл шаҳарларида, Бухоро, Андижон ва Фарғона вилоятларининг айрим шаҳар ва қишлоқларида қурилган ёдгорликларни ҳар йили кўплаб японлар зиёрат қилади.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда алоқаларни янада фаоллаштиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ишга солинмаётган имкониятларни ўрганиб чиқиш ва улардан фойдаланиш, ҳамкорликнинг салоҳиятини тўлиқ юзага чиқариш йўллари муҳокама қилинди.

Музокара якунида Ўзбекистон-Япония Қўшма баёноти қабул қилинди.

Жунъичиро Коидзуми Ислом Каримовга япон тилини ўрганиш бўйича ўқув материаллари ва Япония ҳақидаги китобларни тақдим этди. Ушбу ўқув материаллари ва китоблар мамлакатимиздаги тегишли олий ўқув юртларига топширилади.

Ўзбекистон вакилларининг Японияда таҳсил олиши учун беғараз ёрдам кўрсатиш бўйича Алмашув ноталари имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ўзбекистон ва Япония раҳбарлари музокаралар самарали кечганидан мамнуният билдириб, мулоқотлар ишчан кайфиятда, ўзаро ишонч руҳида ўтганини таъкидладилар.

Президент Ислом Каримов икки томонлама муносабатлар тарихида Ўзбекистонга илк бор Япония Бош вазири расмий ташриф буюргани, бу ташриф ўзаро алоқалар ва мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги улкан воқеа эканлигини таъкидлади. Музокараларда ўзаро муносабатларга доир кенг қамровли масалалар кўриб чиқилганини, халқаро тузилмалар доирасида баҳамжиҳат ҳаракат қилиш борасида фикрлар бир жойдан чиққанини қайд этди.

– Ташриф Японияда Ўзбекистон билан муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришга қизиқиш кучли эканлигининг далолатидир, – деди мамлакатимиз раҳбари. – Биз Японияга узоқ муддатли ва ишончли ҳамкор сифатида қараймиз, бу мамлакат билан муносабатларга алоҳида аҳамият берамиз. Японияниинг Ўзбекистондаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак қадрлаймиз.

Ислом Каримов музокара чоғида Япония ҳукуматининг ташаббуси бўлмиш "Марказий Осиё плюс Япония" мулоқоти доирасидаги ҳамкорликни фаоллаштиришга алоҳида эътибор берилганини, Ўзбекистон ва Япония террорчиликни молиялаштиришнинг олдини олиш ва унга қарши кураш борасида ҳамфикр эканлигини маълум қилди.

– Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, сармоявий ҳамкорлик, юқори технологиялар, энергетика, кончилик соҳаларидаги алоқалар масалаларини муҳокама қилдик, – деди Ўзбекистон Президенти. – Уран конларини ўзлаштириш борасидаги ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ, деб ҳисоблаймиз. Шуни ҳам алоҳида таъкидламоқчиманки, Японияниинг дунёдаги нуфузи, иқтисодий қудратини инобатга олиб, Ўзбекистон бу мамлакатнинг БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари сафидан жой олишини ёқлаб келмоқда.

Жунъичиро Коидзуми музокара якунлари Ўзбекистон-Япония муносабатларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

– Ўзаро муносабатлар тарихида Япония Бош вазири биринчи бор Ўзбекистонга расмий ташриф билан келди, – деди олий мартабали меҳмон. – 1 сентябрь куни Ўзбекистон халқи давлат мустақиллигининг 15 йиллигини нишонлайди. Ташриф шу кунларга тўғри келганидан ғоят мамнунман. Ҳозир дунёда Марказий Осиёга эътибор кучаймоқда. Шу маънода, Ўзбекистоннинг минтақа хавфсизлигини таъминлаш, Марказий Осиёни гуллаб-яшнатиш борасидаги саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга.

Жунъичиро Коидзуми 2002 йили имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот келгусида ҳам ўзаро муносабатларни ривожлантириш учун муҳим асос бўлиб қолаверишини таъкидлади.

– Ислом Каримов билан ўзаро муносабатларга ва халқаро аҳамиятга молик муайян масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашдик, – деди Япония Бош вазири. – Шунингдек, БМТни ислоҳ қилишга доир масалаларни муҳокама қилдик. Японияниинг БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари сафидан жой олиши борасида мамлакатимизни қўллаб-қувватлаб келаётгани учун Ўзбекистондан миннатдормиз.

Жунъичиро Коидзуми таширф дастуридан Самарқанд зиёрати жой олганига алоҳида тўхталди.

– Телевизор орқали қадимий шаҳарларингизни кўп томоша қилганман, – деди олий мартабали меҳмон. – Самарқандда бевосита тарих билан юзма-юз бўлиш имконияти мени жуда қувонтиради.

Ўзбекистон ва Япония раҳбарлари ушбу ташриф алоқалар ривожида муҳим омил бўлишига ишонч билдирдилар.

Япония Бош вазири Жунъичиро Коидзумининг мамлакатимизга ташрифи давом этмоқда.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига биноан бир қатор юртдошларимиз Ватаннинг юксак мукофотлари — унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида Тошкент вилоятидан қуйидагилар бор:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»

Очилов Хонимқул — «Бекободцемент» очиқ акциядорлик жамияти қуйдириш цехининг айланма печ машинисти.

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»

Жуманов Далабой — «Ўзбекгидроэнергияқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти «Автотранспорт энергияқурилиш» шўъба корхонаси ҳайдовчиси.

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

Эрхўжаев Муқим Ҳасанович — Чиноз туманидаги «Муқимий» фермер хўжалиги бошлиғи.

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Гияев Муҳаммаджон Дадажонович — Оққўрғон туманидаги «Олимкент пахта тозалаш корхонаси» очиқ турдаги акциядорлик жамияти чилангари.

Маматқулов Шокир Абдусаломович — «Олмалиқ тоғ металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти Саноат темир йўллар транспорти бошқармаси 2-темир йўл цехининг электровоз машинисти.

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Отахонов Рустамхон — Пскент туманидаги «Бунёдкор» масъулияти чекланган жамият дурадгори.

Нажимов Умирдин Нуриддинович — Чирчиқ шаҳридаги «Ўзбеккимёмаш» очиқ акциядорлик жамияти газ пайвандчиси.

Ўсаров Нурали — «Олмалиқметаллургқурилиш» бошқармасининг бино, иншоот ва металлургия ускуналарини мукаммал таъмирлаш участкаси бошлиғи.

«Дўстлик» ордени билан

Зиёева Рисолат Ҳожиевна — Зангиота туманидаги «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Нуриддинов Алик Саидович — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг прокат цехи бошлиғи

«Жасорат» медали билан

Ҳаитов Каримберди Акбарович — Зангиота туманидаги Тошкент генетика тажриба илмий текшириш базасининг уруғчилик агрономи.

«Шуҳрат» медали билан

Назаров Суюн — Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри

Жабборова Барно Манафовна — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти бўлими кенгаши раисининг ўринбосари — Болалар ташкилоти раиси

Исроилов Усканбой Мирзавалиевич — «Эйвалекмахсустемир-бетон» очиқ акциядорлик жамиятининг иссиқлик энергияси цехи машинисти.

Маҳаматов Жўрабой — Тошкент туманидаги «Роҳатой» фермер хўжалиги бошлиғи.

Мирзаев Ҳайдар Нишонбоевич — Ўртачирчиқ тумани йўл хўжалиги таъмирлаш-фойдаланиш пудрат корхонаси автогрейдерчиси.

Мусаев Бахтиёр Яйлавович — Паркент туманидаги «Қорақалпоқ» муқобил машина-трактор парки механизатори.

Норбобоева Умиржон Сотиболдиевна — Бўстонлиқ туманидаги «Ғазалкентойна» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси ишчиси.

Сафаров Товбой Раҳманович — Оҳангарон шаҳридаги «Оҳангароншифер» очиқ акциядорлик жамияти машинисти.

Тўхтаматов Эргашали Аҳмадалиевич — Бекобод туманидаги «Бекобод машина-трактор парки» акциядорлик жамияти оператори.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун орден ва медаллар билан мукофотланганлар орасида вилоятимизнинг қуйидаги вакиллари бор:

«Жасорат» медали билан

Алимухамедов Руслан Ибрагимович – Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлимининг тезкор вакили.

Қиличев Эркинжон Деҳқонович – Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг йўл-патруль хизмати инспектори.

«Шуҳрат» медали билан

Губская Аллиса Владимировна – Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг тиббиёт бўлими терапевт шифокори.

Ҳаққулов Зокир Бахромович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти бошлиғининг ўринбосари.

ДАВРАДА НИШОНДОР АЁЛЛАР

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Мустақиллик байрамининг 15 йиллиги олдидан "Мустақиллик – олий саодат" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унга вилоятнинг энг фаол, мустақиллик йилларида ҳукуматимизнинг орден ва медаллари билан тақдирланган аёллари таклиф этилди.

Юртимизда мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг равнақи ҳамда халқимизнинг орзу ва интилишларини рўёбга чиқариш борасида юртдошларимизнинг саъй-ҳаракатлари, аёлларнинг истиқлол йилларида эришган ютуқлари борасидаги фикр-мулоҳазалар тадбирнинг асосий мавзуси бўлди.

Анжуманни Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ахборот маркази раҳбари Ханифа Зокирова кириш сўзи билан очаркан, қўмита томонидан амалга оширилаётган ишлар, мустақилликни мустаҳкамлашда аёлларнинг ўрни ҳақида гапирди.

«Туркистон-пресс».

«БАХТ УЙИ»:

ТОЛЕИНГИЗ БАЛАНД, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛСИН!

Ўзбекистон халқининг энг азиз, энг улуғ байрами — мамлакатимиз Мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан Янгийўл туманида бу йил бир қатор ижтимоий ва маданий иншоотлар бунёд этилиб, туман қиёфаси янада мафтункор манзара кашф этди.

Хусусан, туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) бўлимининг янги «Бахт уйи» ҳамда 2-давлат нотариал идораси биносини фойдаланишга топширишга бағишлаб уюштирилган тантанали маросим катта шодиёнага айланиб кетди. Тадбирда кўплаб туман ёшлари ҳам иштирок этдилар.

Адлия бошқармаси сўнгги йилларда вилоят шаҳар ва туманлари фуқароларига малакали ҳуқуқий хизмат ва ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида вилоят ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда нотариал идоралар ва ФҲДЁ бўлимлари биноларини таъмирлаш ҳамда замонавий жиҳозлар билан таъминлаши одат тусига кириб бормоқда.

Жумладан, янги «Бахт уйи» ва 2-давлат нотариал идораси биноси ҳам вилоят адлия бошқармаси ҳамда ҳомийлар маблағлари эвазига бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

Аҳамиятли томони шундаки, туманда бахтли оилалар йилдан-йилга ортмоқда. 2005 йили 606 та никоҳ қайд этилган бўлса, шу йилнинг ўтган 8 ойи давомида 700 тадан ошди.

Бинонинг тантанали очилиш маросимидан сўнг «Бахт уйи» ўз фаолиятини бошлаб юборди. Шу куни никоҳдан ўтиш учун махсус катта зал ҳамда келин-куёвлар хоналаридан ташкил топган муҳташам бинода 6 жуфт келин-куёвлар никоҳдан ўтдилар ҳамда янги туғилган 4 чақалоққа гувоҳномалар берилди.

Содиқ САЛИМОВ.





СУРАТЛАРДА: *«Бахт уйи» ўзининг дастлабки хизматларини бошлади.*

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Сенатор минбари

Миллий мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий ҳаётда жуда катта ютуқларга эришди. Жамиятдаги демократик ислоҳотлар икки палатали парламент шаклланишига олиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг узвий фаолияти мамлакатда қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнини мукаммаллаштирди. Шу қисқа муддатда Сенат янги қонунлар қабул қилди ва қабул қилинган қонунларга тузатиш ва қўшимчалар киритди.

ҚОНУНЧИЛИК – ЮКСАЛИШ АСОСИ

Шу байрамолди кунларида ҳам мамлакатимиз Парламентининг юқори палатасида иш қизғин тус олди. Еттинчи ялпи мажлис олдидан сенаторлар тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида ғоят долзарб бўлган бир қатор масалалар муҳокамасига тайёргарлик кўришди. Бу мажлисга қўмитамиз «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиш билан боғлиқ масалани киритди. Сенат муҳокама қилиб, қабул қилган бу қонунга биноан амалдаги 32 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ялпи йиғилишлар оралиғида қўмитамиз конференциялар ўтказди, назорат тартибида айрим масалаларни кўриб чиқди.

Сенат Қонунчилик палатасидан келиб тушган, экспертлар гуруҳи кўриб чиқиб, таклифлар киритган ва қўмитамиз қабул қилиб, ялпи йиғилишга олиб чиққан яна бир қонунни қабул қилди. «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимизни ривожлантиришга хизмат қилади.

Ишга бундай масъулият билан ёндашиш давр талабидир. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Сенатнинг бешинчи ялпи мажлисидаги нутқида унинг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор йўл-йўриқларни илгари сурган эди. Уларни бажаришга йўналтирилган фаолият дастурида, жумладан, халқ депутатлари барча бўғин кенгашлари депутатлар корпусининг фаоллигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши билан биргаликда қўшма мажлис ўтказди. Унда Ўзбекистон Республикаси «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги Қонунининг пойтахт вилоятида бажарилиши, ширкатларнинг фермер хўжаликларига айлантирилиши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Асосий эътибор бу борадаги камчиликларни аниқлаб, уларни депутатлар иштирокида бартараф этиш, бу муҳим ишда ошкораликни кучайтириш масалаларига қаратилди.

Қўмита табиатни муҳофаза қилиш соҳасида қонун талабларига риоя қилиниши билан боғлиқ масалалар билан ҳам изчил шуғулланмоқда. Май ойида Денов туманида қўмитамизнинг кўчма мажлиси ўтказилди. Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгаши билан биргаликда «Табиат муҳофазаси тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилиши кўриб чиқилди. Табиатни муҳофаза қилишни кучайтиришнинг минтақавий муаммолари, жумладан, қўмита шу хусусда илгари қабул қилган қарорнинг ижроси таҳлил қилинди. Мажлисда минтақада экологик ҳолатни янада соғломлаштиришга қаратилган аниқ тадбирлар белгиланди.

Бешинчи ялпи мажлисда мамлакатимиз Президенти билдирган мулоҳазалардан келиб чиқиб, қўмита турли тадбирлар, учрашувлар, суҳбатлар, илмий конференцияларни пухта тайёргарлик билан ўтказмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалигига қарашли ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни қонуний таъминлаш мавзуидаги илмий-амалий конференция шундай тўлақонли тайёргарлик асосида ўтказилди. Бу тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонунчилик мониторинги институти билан ҳамкорликда тайёрланди. «Тупроқ унумдорлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини тайёрлаш доирасида тупроқ унумдорлигини оширишнинг қонунчилик таъминоти масалалари муҳокама қилинди. Иштирокчилар тупроқ ҳолатининг ёмонлашишини тўхтатишни таъминловчи ва кафолатловчи замонавий механизмни яратиш зарурлигини таъкидлашди.

Муҳими, қўмита аъзолари Парламент иши тажрибасини тобора мукаммал эгаллаб боришмоқда, масалаларни кўриб чиқишда уларнинг моҳиятини илғаб олиш ва ҳал қилишнинг амалий кўникмасини эгаллашмоқда. Натижада мажлисларда ваколатли, амалий қарорлар ишлаб чиқилиб, қабул қилинмоқда. Улар қонунларга оғишмай риоя қилиш муҳитини яратиб, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ахвол яхшиланиб боришига, ҳудудий ва умумдавлат манфаатларининг уйғунлашишига хизмат қилаётир.

Ҳайрулла ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси.

Ўн беш йил ўйлари

КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?

Жамият – давлатга нисбатан катта тушунча. Давлат жамиятга хизмат қилади.

Иқтисодий жиҳатдан туб бурилиш юз берди. Инсон мулкка эга бўлиш, уни кўпайтириш, бойиш учун тинмай ҳаракат қилиш, ақлфаросати, истеъдоди-салоҳиятини ишга солиб, турли-туман йўллар излаш, тадбиркорликнинг ҳар хил намуналарини кўрсатишга тўла ҳақли.

Одамлар тушундики, инсон камбағалга эмас, бойга ҳавас қилиб яшаши керак экан.

Германияда юз берган қизиқ ҳодисани айтиб беришди. 1989 йилнинг кузида Берлиндаги Иккинчи жаҳон урушидан кейин қурилиб, мамлакатни бир-бирига тамоман зид икки тузумга мансуб давлатга ажратиб ташлаган деворни бузишганида, икки тараф ҳукумати ҳам бир-бирини соғинган немисларнинг у ёқдан бу ёққа ўтишига катта ҳозирлик кўришибди. Бироқ, қарангки, Ғарбий Германиядан Шарқий Германияга ўтганлар деярли топилмабди. Лекин Шарқий Германия аҳолиси ёпирилиб Ғарбий Германия ҳудудига томоша учун ўтиб кетибди.

Хўш, нега бундай биртомонламалик?

Ахир, ўзингиз айтинг: бойнинг кошонасини кўришга камбағал талпинадими ёки камбағалнинг ғариб кулбасини кўришга бой интиладими?..

Мамлакат, унинг халқи бой-бадавлат яшар экан, дунё ҳам у билан ҳисоблашиб гаплашадиган бўлади. Иқтисодий тараққиёт юз бериши учун эса шахсий мулк ҳуқуқи кафолатланиши керак. Ўтган ўн беш йил бизда тадбиркорлик учун кенг йўл очди. Тамоман давлатга қарам бўлиб ишлашдан бошқа ҳуқуққа эга бўлмаган халқ учун буни изга қўйиш амалда инқилобий ўзгаришлар сирасига киради.

Ўзбекистон – қишлоқ хўжалиги мамлакати. Ер – бизда энг катта бойлик. Ерни эгасига – деҳқонга бериш сиёсати юритилди. Айниқса, бу йил фермер хўжаликлари тузиш бўйича жуда катта ўзгариш юз берди. Албатта, бу осонликча кечаётган жараён эмас. Аммо бир нарса аниқ: стратегик йўл жуда тўғри танланган.

Қишлоқда алоҳида бир ишчан тоифа – фермерлар пайдо бўлди. Бугун қилинаётган ишлар эзгу уруғ қадашга ўхшайди. Униб чиқиб, экин ҳосилга кирсин, кейин кўрасиз натижани.

Ўзбекистон ўн беш йил ичида уч буюк завод бунёд этди. Булар – 1996 йили ишга туган "ЎзДЭУавто" Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонаси, 1997 йили иш бошлаган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, 2006 йили ишга туширилган Қўнғирот сода заводи.

Орол қуриб, ўрнида туз босган кенг майдон пайдо бўлди. Олимлар аниқлашса, шу тузлардан ойна (шиша) ишлаб чиқариш учун ноёб хом ашё ҳисобланадиган сода олиш мумкин экан. Қувадаги ойна заводига эса шу пайтгача ана шундай хом ашёни четдан сотиб олиб келар эдик. Қўнғиротдаги захира эса яна 100 йилга етиб-ортади.

Бир қаламкаш сифатида очиғини айтсам, телевидениенинг "Ахборот", "Давр", "Пойтахт" ва шунга ўхшаш ахборий дастурларини яхши кўраман. Нимага десангиз, ҳар бир дастурда мамлакатимизнинг у ёхуд бу ерида бир-икки янги корхона ишга тушганини кўрсатади. Одам ичдан қувонади. Нега? Ахир, янги корхона дегани – жуда катта ҳодиса. Бу кимлардир иш билан таъминланди, унинг уйига файз, рўзғорига барака, ҳаётига рўшнолик кирди, деган гап. Даромади бўлмаса, ишлаб чиқарилмайди. Ишлаб чиқарилдими, фойда кела бошлади. Ҳар қандай фойдадан давлат хазинасига ҳам улуш тушади ва ҳоказо.

Мутахассисларнинг хомчўт қилишига қараганда, ҳозирги шароитда мамлакатимизда бир кишини иш билан таъминлаш иқтисодий маънода камида 3 миллион сўмни ташкил этади.

Мисол: бир кишига бир цех очиб бериш учун ҳам ускуна олиш, хом ашё топиш, электр ва бошқа харажатларини қоплаш керакку. Демак, ҳар бир ўзбекистонлик, каттадир-кичикдир, мамлакатда пайдо бўлаётган ҳар қандай корхона учун хурсанд бўлиши, қўлидан келса, ўзи ҳам шу жараённи тезлатишга ҳисса қўшиши зарур, деб ўйлайман.

Шаҳарлар ва қишлоқларимиз қиёфасининг ўзгариб, чирой очиб бораётгани, қурилаётган коллеж, лицей, мактаблар, борингки, гузар, чойхона, тўйхона ва дўконлар ҳам иқтисодий салоҳиятимиздан далолат бермайдими?

Маънавий ислоҳотлар самараси ҳақида алоҳида тўхташ лозим. Тилга, тарихга, меросга, динга, урф-одатларга, анъана ва қадриятларга, адабиёт ва санъатга муносабатнинг қанчалар ўзгарганини тасаввурга келтирайлик.

Шўро давлати номини ҳам халқимиз ёдидан чиқариб ташлаш учун кўп уринган не-не буюкларимиз таваллуд тўйлари иншонланди, мероси ўрганилди, нашр қилинди, шарафига ёдгорликлар бунёд этилди. Уларни алоҳида санаб ўтириш шарт ҳам эмас. Чунки, Истиқлолнинг деярли ҳар йилида бирор буюк ватандошимиз юбилейини ўтказамиз.

Мустақиллик ва Наврўз байрамларидаги, Самарқандда ҳар икки йилда бир бор ўтадиган "Шарқ тароналари" мусиқа фестивалидаги, шаҳарларимиз юбилейлари тантаналаридаги театрлаштирилган оммавий саҳна дастурлари санъатимиз равнақига, унинг янги маъно-мазмун билан бойиб бораётганига бир ёрқин далил эмасми?

Мураккаб иқтисодий шароитларга қарамай, давлат халқ келажаги учун қайғуриб, таълим тизимига қанча маблағ сарфланаётганини сарҳисоб қилиб кўрайлик.

Каминага бошқа бир нарса маънавий юксалиш бўлиб кўринади. Шу кечакундузда мамлакатимизнинг идораларию хонадонларида жами қанча компьютер ишлаб турибди? Уларнинг ҳаммаси ўзимизнинг маблағ ҳисобига келган. Бу ҳам иқтисодий бойлик, ҳам маънавий юксалишнинг буюк техник воситаси. У амалда ақлни тезлаштиряпти, вақтни иқтисод қиляпти, одамни ўстиряпти, биз замон, демакки, илғор дунё билан бўйлаша бошладик. Бугун очиқ айтавериш керак: кимки компьютерда ишлашни билмаса, XXI асрга ўта олмабди.

Ҳозирги ҳаётимиз, эҳтимол, ҳали гуллаб-яшнаб кетмагандир, давлат ва халқ олдида қиладиган иш жуда кўп, ҳеч бир халқ демократик тузум, бозор иқтисодиёти, ҳуқуқий давлатни ўн беш йилда қуриб битказмаган. Лекин шунга қарамай, дадил айта оламизки, Мустақилликнинг оғир синовлари даври ўтди. Одамларимизнинг кийиниши ҳам, еб-ичиши ҳам, ҳатто, тўйларимиз ҳам ўзгарди – изига тушиб олди.

Ишлайсан – тишлайсан!

Бутун дунё келган ягона хулоса – шу. Ҳозир бу гапни оддий-оддий касб-кор кишилари оғзидан ҳам эшитаётганимиз – катта ҳодиса.

Энг муҳими, энди халқни ҳеч ким орқага қайтара олмайди.

Султонмурод ОЛИМ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мактаб бозори

ЎҚУВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Ҳадемай, ёзги таътил мавсуми тугаб, мактабларда ўқув жараёни бошланади.

Айни дамда жойларда ўқувчиларга қулайлик яратиш мақсадида мактаб бозорлари ташкил этилиб, ўқув-қуроллари, зарур адабиётлар савдоси йўлга қўйилган. Савдо расталарига ёшлар учун мактаб эҳтиёжидаги дарсликлар ва бошқа ўқув воситалари узлуксиз етказиб берилмоқда.

Жумладан, Тошкент туманидаги мактаблар ҳамда маҳалла гузарларидаги савдо ярмаркалари ота-оналар учун ҳам қўл келмоқда. Улар шу ернинг ўзида дарслик ва бошқа ўқув қуроллари харид қилмоқдалар.

— Савдо ярмаркамиз 20 июлдан бошлаб фаолият юритмоқда, — дейди 9-умумтаълим мактабида ташкил этилган ярмарка сотувчиси Ҳанифа Алиоҳунова. — Бундай қулайлик харидорларимизни мамнун этаяпти. Чунки, маҳсулотларимиз анча арзон ҳамда сифатли. Қисқа муддатда 60 минг сўмликдан зиёд савдо қилинди.

Саид ҲАСАНОВ.

СУРАТДА: *сотувчи Ҳанифа Алиоҳунова.*

Даврон АҲМАД олган сурат.

ҚАТОРИМИЗГА КЕЛИНГ, АЗИЗЛАР!

Меҳр-оқибат кўрсатиш, ётиб қолганнинг кўнглини олиш, қоқилганни суяб, тўғри йўлга солиб юбориш ўзбек халқининг азалий фазилати. Мана, 15 йилки, бу хислат ўзининг бутун бўй-басти билан қайта тикланмоқда.

Бугунги арафа кунлари маҳалламизда бу қадим анъаналар янги куч билан намоён бўлмоқда. Мавжуда Ҳидирова, Лола Аширматова, Маъмура Иноятова сингари фаолларимиз хонадонма-хонадон айланиб, бутун ҳаётини эл-юрт равнақи учун бағишлаган, ўз меҳнати билан шаҳримизни обод қилишга салмоқли ҳисса қўшган қариялар, касалманд, якка-ёлғиз кишилар ҳолидан хабар олишмоқда. Маҳалламизда 50 га яқин шундай кекса аёллар яшайди.

Клавдия Плотникова, Барно Охунжонова, Рихси Искандарова, Муборак Убайдуллаева, Ҳадича Раҳимжонова, Комила Бобоева, Мамлакат Қирғизбоева каби онахонлар бугун эл ардоғида, маҳалладошлар меҳрибонлиги, ғамхўрлигини кун сайин ҳис қилиб туришибди. Уларга баҳолиқудрат ёрдам кўрсатиб, кўнгилларига илиқлик бағишламоқдамиз.

Байрамларни шод-хуррамлик билан нишонлашга одатланган халқмиз. Бунинг учун анча барвақт тайёргарлик кўра бошлаймиз. Кўчаю майдонларни йиғиштириб, тартибга солиб, ораталаймиз. Шунда дилимиз ёришиб, яйраб-яшнаб ўйин-кулги қиламиз.

Бу йил ҳам шундай бўлди. Умумхалқ ҳашари ўтказиб, ҳамма ёқни тозаладик. Ҳозир кўрсангиз, маҳалламиз кўчалари яшнаб кетган. Майдонлар, ҳовлилар чароғон. Одамлар бу байрамни осойишта ҳолатда очилиб-сочилиб нишонлашга ҳозирлик кўришди. Маҳалла фуқаролар йиғини барча тайёргарлик ишларига бош-қош бўлди.

Мустақиллик бу азиз Ватан ичидаги мўъжаз бир манзил — маҳаллага фавқулодда катта нуфуз, ваколат берди. Эндиликда у ўзини ўзи бошқаришнинг энг оммавий, одамларга бевосита яқин масканга айланди. Одамлар ҳаёти, кундалик турмуши, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, бандлик, тадбиркорлик, касаначилик билан боғлиқ муаммолар бевосита маҳаллаларда ҳал қилинаётир.

Хуллас, бутун маҳалла аҳли Мустақиллик кунини баҳамжиҳат нишонламоқдамиз. Тантаналаримизга келинг, қувончимизни баҳам кўрайлик, азизлар!

Жамолиддин УМАРОВ,
Қибрай шаҳарчасидаги Зебуннисо маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишлари макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик, иқтисодиёт ва унинг алоҳида соҳалари мутаносиблигини таъминлаш, халқнинг турмуш даражасини ошириш вазифалари солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш концепциясига асос қилиб олинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида унинг асосий ёндашувлари ва йўналишлари маъқулланиб, 2007 йилги давлат бюджети лойиҳасини тайёрлашда асос сифатида қабул қилинди.

Солиқ тизими:

АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИ УЧУН

Ўртачирчиқ туманида ўтган кенгайтирилган семинар-йиғилишда бу янгиликларни барча солиқ тўловчиларга, шунингдек, кенг жамоатчиликка етказиб, мамлакатимиз солиқ тизимида адолат мезони устуворлиги, бу борада юз бераётган ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар, солиқ тўловчилар учун яратилаётган имтиёзлар, эришилаётган ютуқлар хусусида атрофлича фикрлашиб олинди.

Унда вилоят ҳокими Мирзамашрап Куччиев, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ботир Парпиев, вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими раҳбарлари, солиқ идоралари ходимлари, барча турдаги солиқ тўловчилар иштирок этдилар.

Семинар-йиғилиш соҳа мутасаддилари билан солиқ тўловчилар ўртасида очиқ мулоқот кўринишида ўтди. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида таклиф қилинган концепциянинг мазмун-моҳияти, 2006 йилнинг ўтган даврида давлат солиқ хизмати идораларининг асосий фаолияти, Президентимизнинг бир қатор фармон ва қарорлари талабларига биноан амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ва келгусида кутилаётган натижалар, шунингдек, солиқ тўловчилар учун яратилаётган имтиёзлар ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Дарҳақиқат, Вазирлар Маҳкамасидаги муҳокамада келгусида ҳам республикамизда аниқ мақсадга қаратилган солиқ сиёсати олиб борилиши таъкидланди. Улар республикамиз иқтисодиётининг ўсиш суръатларини жадаллаштириш учун асос бўлади.

Таъкидландики, 2006 йил давомида даромад солиғи 15 фоиздан 12 фоизга, ягона ижтимоий тўловни 31 фоиздан 25 фоизгача, жисмоний шахслар даромад солиғининг юқори ставкасини 30 фоиздан 29 фоизгача, дивиденд солиғини 15 фоиздан 10 фоизгача пасайтириб, экология солиғи ва савдо қилиш учун йиғим бекор қилинди. Бунинг натижасида фақат шу йилнинг биринчи ярмида 126,1 миллиард сўм қўшимча маблағ хўжалик субъектлари ихтиёрида қолди, уларни янада ривожлантиришга имкон яратилди. Солиқ тўловчи юридик шахслар сони мамлакатда 2006 йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 41 мингтага ошиб, уларда қўшимча 192,5 мингта янги иш жойлари ташкил этилди.

Солиқ юкининг қонуний асосда маълум даражада пасайтирилиши ана шундай имкониятлар очди. Шундан келиб чиққан ҳолда солиқ қонунчилигини соддалаштириш ва уни либераллаштириш 2007 йилда ҳам давом эттирилади. Жумладан, фойда солиғи ставкаси 12 фоиздан 10 фоизга камайтирилмоқда. Бунинг натижасида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва кенгайтириш учун корхоналар ихтиёрига 37,3 миллиард сўм маблағ қолдирилмоқда. Бу, албатта, халқ манфаатига хизмат қилади.

Анжуманда фойда солиғи ставкаси хусусида сўз юритилиб, бир муҳим ва қизиқарли фактга иштирокчиларнинг эътибори қаратилди. Чунончи, фойда солиғи илғор мамлакатларда анча юқори даражада белгиланган. Масалан, у Германияда 40, АҚШда 35, Францияда 33, Буюк Британияда 30, Японияда 27 фоизни ташкил этади. Ўзбекистонда эса, бу солиқ 2007 йилга атиги 10 фоиз қилиб белгиланган.

2007 йилда соҳада амалга оширилиши мўлжалланган яна бир ўзгариш барча тоифадаги солиқ тўловчиларга солиқ солиш услубларини бирхиллаштириш мақсадида банк ва суғурта ташкилотлари учун даромад солиғи ўрнига фойда солиғи жорий қилишдан иборат. Ҳозир банклардан олинаётган даромад солиғи миқдорига мос келувчи фойда солиғи 17 фоиз белгиланган, суғурта ташкилотлар учун эса, фойда солиғи 10 фоиз миқдорида белгиланмоқда.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ўртача ставкаси 20 дан 18 фоизгача ва энг юқори ставкаси 29 дан 25 фоизгача пасайтирилиши кўзда тутилмоқда. Бунинг натижасида 51,8 миллиард сўм маблағни ишчиларнинг маошини оширишга йўналтириш имкони пайдо бўлаяпти. Шунингдек, ягона солиқ ставкаси 3 фоизга камайтирилиб, 10 фоиз миқдорида белгиланиши кўзда тутилган бўлиб, бунинг натижасида 31,8 миллиард сўм маблағ кичик корхоналар ва микрофирмалар ихтиёрида қолади.

Ҳукуматимиз томонидан белгиланган, халқ манфаатини ифодаловчи қарорлар ижросини таъминлашга изчиллик билан виждонан ёндашган ҳолда иш юритиш лозимлиги, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, бюджетга тушадиган пулни камайтириш, тадбиркорлар ишлаб топган маблағнинг мумкин қадар кўпроқ қисмини ўзларига қолдириш кераклиги, моддий манфаатдорлик бор жойда ривожланиш, юксалиш бўлиши муқаррарлиги, барча тоифадаги солиқ тўловчилар учун адолатли солиқ тамойилларига ўтилаётганлиги алоҳида таъкидланди. 2007 йилги концепция эълон қилиниши муносабати билан барча тадбиркорлар ўз режаларини тузиб олишлари зарурлигига эътибор қаратилди.

Келгуси йили савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун 10, мактаб, интернат, касб-ҳунар ва ўрта-махсус коллежларга хизмат кўрсатувчи ошхоналарга 8 фоизли солиқ ставкалари белгиланган. Шунингдек, сув, ер солиғи ва ягона ер солиғи 1,5 баробар индексация қилиниши режалаштирилмоқда. Солиқ юкини камайтириш, солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар, солиқ тўловчиларга яратилган ва яратилаётган шароит, имкониятлар, уларни имкон даражасида қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳукуматимиз томонидан белгиланаётган чора-тадбирлар тизимда адолат устуворлигини таъминлашга қаратилгандир.

Шундан сўнг, тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган масалалар ва фаолиятларига салбий таъсир кўрсатаётган муаммоларни ўртага ташлашди. Бу савол-жавоблардаги асосий муаммо вилоят, туман ва шаҳарларда фаолият кўрсатаётган банклар билан боғлиқ эканлиги ойдинлашди. Тадбиркорлар банкка нақд пул топшириб, қайтариб ололмаслик, умуман, банклардан пул олиш қийинлиги, банк ходимларининг мижозларга нисбатан қўпол муомалада бўлишлари, пул ўтказиш борасидаги қийинчиликлар, чек дафтарчаларининг нархи каби масалалар юзасидан кўплаб саволлар беришди. Барча саволларга қаноатланарли жавоблар берилиб, мижозга кўпол муомалада бўлган ходимларга нисбатан чора кўрилиши айтилди.

Мана шундай очиқ, жонли, ошкора мулоқотлар, ҳеч шубҳасиз, бугунги кунда жуда ҳам зарур. Айни пайтда соҳанинг тегишли мутасадди раҳбарлари тез-тез жойларда бўлиб, шундай мулоқотлар ўтказиб туришса, фойдадан ҳоли бўлмаслиги таъкидланди.

Бўлиб ўтган семинардаги кўтаринки руҳ вилоятимиз тадбиркорлари ҳаётидан мустаҳкам жой олганлигига, уларда ўз бурч-вазифаларига садоқат, келажакка ишонч туйғуларини мустаҳкамлаганлигига шубҳа йўқ. Бунинг натижаси, самараси, янги ютуқлар, муваффақиятлар тимсолида яқин келажакда намоён бўлишига ишонамиз.

Бахтиёр АЗИМОВ,
вилоят Давлат солиқ бошқармаси матбуот хизмати бошлиғи.

Дил изҳори

ЯНАДА АЖОЙИБ ЮТУҚЛАРГА ЭРИШАСИЗ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан барча дўстларим, Ўзбекистоннинг турли доира вакилларига самимий тилакларимни билдириб қоламан!

Мустақилликнинг 15 йили давомида Ўзбекистон халқи Президент Ислом Каримов раҳбарлиги остида ички борликларга мос келувчи тараққиёт йўлидан қатъий бориб, бирдамлик ва ягона мақсад сари йўналганликни намойиш этган ҳолда турли соҳаларда таъкидлашга арзигулик муваффақиятларни қўлга киритди. Бугун Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик, иқтисодий ўсиш, уйғунлашган миллатлараро муносабатлар, ижтимоий соҳанинг жадал тараққиёти, мамлакатнинг жаҳондаги ўрни мустаҳкамланаётгани кузатилмоқда. Шарқнинг кўҳна жавоҳири бўлмиш Ўзбекистон яна ёрқин нур таратган ҳолда дунёдаги барча халқларнинг ҳурматини қозонди. Биродар қўшни ва самимий дўст бўлган Хитой Ўзбекистоннинг улкан муваффақиятларидан катта мамнуният изҳор этиб, мамлакат келгуси тараққиёт жараёнида янада ажойиб ютуқларни қўлга киритишига ишонч билдириб қолади.

Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Хитой Халқ Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома руҳига асосланиб, икки давлат раҳбарлари томонидан эришилган келишувларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш ва шу орқали Хитой-Ўзбекистон муносабатларининг порлоқ келажагига эришишга ўз ҳиссасини қўшиш учун ўзбекистонлик ҳамкасблар билан биргаликда саъй-ҳаракатларни амалга оширади.

Ўзбекистоннинг гуллабяшнаши ва қудрати юксалишини, халқи эса бахтли бўлишини тилаб қоламан!

Ли ЧЖАОСИН,
Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири.

ЎЗЛАРИ КЕЛИБ БУЮРТМА БЕРИШЯПТИ

Мустақиллик йилларида халқ фаровонлиги, унинг порлоқ истиқболи йўлида амалга оширилган ишлар самарасини ўз турмушимда кўриб турибман. Хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар тадбиркор аёллар учун ҳам кенг имкониятлар эшигини очди.

Мен ўттиз йилдан буён тикувчилик билан шуғулланаман. Ҳаётнинг баланд-паст йўлларида шу ҳунарим орқали ризқ-насиба топиб, қийинчиликларни енгиб келаяпман. Кейинги 15 йил тадбиркорлик йўлидаги уринишларим самараларига гувоҳ. Асли попоп тикиш курсини битирганман. Ҳозир миллий либослар, келин сарполари, дўппи, кўрпа-ёстиқларга талаб кўп.

Туман «Тадбиркор аёл» уюшмаси ёрдами билан бир эски дўконни тикув цехига айлантирдик. Чевар қизларимиз тикаётган тўй либослари ҳаммага манзур бўлаяпти. Ҳатто, «Ташаббус – 2006» кўрик-танловининг вилоят босқичида қатнашиб, совринли ўринга эга бўлдик. Сифатли маҳсулотларимизга харидорлар ҳам кўпайиб боряпти. Ўзлари келиб буюртма бериб кетишади. Энг муҳими, ишлаш учун эркинлик, шароит бор. Ўртачирчиқнинг Янги ҳаёт қўрғонидаги Мустақиллик маҳалласида тадбиркорлик, ҳунармандлик билан шуғулланувчилар анчагина. Шунга қараб рақобат ҳам бор. Ҳозир қизларимиз мунчоқ тикишни ўзлаштириб олишди. Замонавий дарпардалар тикишни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Маҳалламиздаги ҳам таъминланган оилаларнинг буюртмаларини иложи борича арзон нархларда, лозим бўлса, бепул тикиб бериш режаларимиз бор.

Шу ўринда маҳалламиз фаоллари, айниқса, маслаҳатчи Моҳира Шаропованинг жонкуярлиги, фидойилигини таъкидлаб ўтмоқчиман. У кишининг маънавий мадади туфайли иш унумдорлиги ошди. Тикилаётган маҳсулот турлари ҳам кўпаймоқда. Хуллас, Мустақил Ўзбекистонимизнинг қутлуғ 15 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бор имкониятларни ишга солмоқдамиз. Зеро, тинч-тотув, эмин-эркин яшаб, меҳнат қилиш, ўз меҳнатингдан манфаат кўриб, яратилаётган имкониятларнинг қадрига етиб ишлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Менинг тўрт фарзандим бор. Уч қизим тикувчиликка меҳр қўйган. Ўғлим тадбиркорликка қизиқади. Фарзандларимнинг ҳам ҳаётда ўз ўринларини топишларига шубҳам йўқ. Чунки, бугунги эмин-эркин замонда интилганга толе ёр эканлигини ҳар қадамда кўриб, гувоҳ бўлиб турибмиз.

Юлдуз ҚЎЗИБОЕВА,
касаначи,
Ўртачирчиқ тумани.

Шу йилнинг етти ойи мобайнида вилоят тижорат банклари якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор аёлларга 265 миллион сўм, асосан аёллар меҳнатидан фойдаланиладиган 22 та кичик корхонага 174,7 миллион сўм миқдорида кредит ажратди. Унда уйда хусусий цехлар барпо этиш ва уй меҳнатини ташкил қилиш ҳисобига 1118 хотин-қиз иш билан таъминланди.

Ижобий фельетон

АСОМ ҒАДАНГ МЎЙЛАБИНИ БУРАДИ

— Кўрдим-кўрдим, қарқунокдан булбул чиққанини кўрдим.

Ғадангнинг бу гапи бояданбуён ўз хаёллари билан бўлиб келаётган қарияларга хушҳол бир кайфият бағишлади. Улар Ғаданг кимни, нимани назарда тутаётганини жуда яхши билишади. Ўтган чоршанба пешиндан кейин чойхонада одатдаги гап-гаштак давом этаётган эди, хушрўйгина, усти-боши ўзига ярашган бир йигит улар ўтиришган чорпояга келиб салом берди. Ўнг қўлини кўксига қўйиб турган йигитга бир қур кўз ташлаб, Ғаданг сўради:

— Ҳаким аравакашнинг кенжасимисан, болам?

— Топдингиз, Асомиддин амаки, — деди йигит ҳамон қўли кўксида турганича.

— Қани, буёққа чиқ, ўғлим, — Ҳабибулла домла шундай деди-да, кулимсираб қўшиб қўйди. — Ерга қўйса, осмонга сакрардинг, бўз-баёв, шўх бир бола эдинг, ўғлим. Мана энди ўргатилган отдек бўлибсан-қўйибсан.

Ғаданг кулди:

— Ўғлим, ўзинг ҳам Домлани обдон ҳолдан толдиргансанда. Биламиз, биламиз.

Бу орада йигит чорпояга чиқиб, Ҳабибулла домланинг ёнига чордона қурди. Чоллар дуога қўл кўтаришди. Фотиҳа ўқилгач, Домла:

— Ўзи раҳматига олган бўлсин, отанг хўп кўнгли очиқ, хушфеъл одам эди. Эрта кетди. Ҳай, унинг умрини ҳам сенларга берсин.

— Раҳмат, Домла, — деди йигит титроқ овозда.

— Ҳой бола, исминг Умиджонмиди?

Соли хўрознинг бу саволи йигитнинг чеҳрасида ёқимли бир жилва пайдо қилди:

— Шундай, ота.

Хўроз қолиб, гапни Ғаданг илиб кетди:

— Огоҳ бўл, Умиджон ўғлим. Соли амакингнинг санда ўчи бор, алами бор.

Хўроз азбаройи қотибқотиб кулганидан кўзларидан ёш чиқиб кетди. Қоп чорсиси билан юз-кўзларини артаётган Хўрозга бир қур назар ташлаб, Ғаданг сўз маромини чуқурлаштирди:

— Ҳатна қилинаётган кунинг эди, ўғлим. Кечки пайт уста келди, айвонларингга жой солди. Асбобдориларини тайёрлаб, кутаяпмиз. Илло, сени топиб келтиришавермади. Уста шошилаяпти, хуноби ошаяпти, шу десанг. Бир пайт мана шу Соли амакинг: «Бўлди, ҳозир!» деди-да, эшик қолиб, девор нахрасидан ҳовлисига сакраб ўтиб кетди. Боғи этагида сомонхона бўлгучи эди, ўша ёқдан йиғламсираган товушинг эшитилиб қолди. Сени бағрига босганича, нахрага яқинлашиб, бу ёққа ўтқазиб қўяётганда, бирдан вой-войлаб қолди. Чап қўлини қаттиқ тишлаб олган экансан. Уста дорисидан суртиб, аранг қонни тўхтатди.

— Мана, уста суртган қоракуянинг изи ҳануз белги бериб турибди, — деди Хўроз чап билагини кўрсатиб.

Умиджон кулимсирагачa ўтирарди.

— Мана энди шундай азамат йигит бўлиб етишибсан, умрингдан барака топ, — хаёлчан ўтирган Домла шундай деб қўйди, кейин алланима ёдига тушгандек, йигит томонга ўгирилди:

— Дарвоқе, ўғлим, тўртбеш йил кўринмай кетдинг, қаерларда юрибсан?

— Францияда, хизматда эдим, — жавоб берди йигит бўш чойнакни Очил самоварчига узата туриб. — Ўқишни тугатишим билан ўша ёққа жўнатишганди.

— Элчиман дегин? — сўради Ғаданг.

— Жуда унчалик эмас-ку, лекин шунга яқинроқ.

— Фарангича чуғурлаша оламан дегин ҳали? — сўради Хўроз.

— Ҳа, энди, хизматчилик, тилни пухта билмасак бўлмайдида.

Умиджоннинг одоби, камтарона жавоби қарияларга ёқиб тушди.

Бир пиёла чой ичиб, Умиджон мақсадини айтди. Ота-онаси хотирасига эҳсон бераётган экан, шунга таклиф қилиб келибди.

Мана энди шу эҳсонга боришаяпти. Ўзларининг оддий шу Чумчоқ қишлоғидан етишиб чиққан Умиджоннинг Францияда хизматда эканлиги қарияларни кўнглини тоғдек кўтарганди.

— Ҳомид кетмон бор-ку, шунинг қизи ҳам Америкода ўқиб олима бўлиб келибди, — деди олдинроқда бораётган Домла салмоқланиб. — Оқшом мени кўргани келиб қолди. Қани, устоз, инглизча бир суҳбатлашайлик, деса бўладими. Кўнганимга пушаймонлар едим. Қизи тушмагур қандай ўқигани, диссертациясини тайёрлашган огайолик олимлар қандай ёрдам кўрсатишгани ҳақида соф инглиз тилида шундай бурро-бурро ҳикоя қила кетдики, мириқиб эшитдим. У ердаги туриш-турмуш ҳақида савол бериб кўрайчи деб, керакли сўзларни топиб гапира олмадим, тутилиб қолдим. Яна қизи тушмагур ўзи ёрдамга келди. Хуллас, мени мот қилди.

— Катта набирам бор-ку, Абдуҳошимимнинг ўғли, — деди боядан буён жимгина келаётган Абдуносир пичоқчи, — ҳарбийда эди, шу тонг таътилга келиб қолди. Асрга ҳаммангиз меҳмонга бирга бўлинг.

— Қаерда хизмат қилаётган экан?

— Бунисини айтмади. Чамаси чегарада бўлса керак. Ҳарқалай, кўксида яна бир нишон пайдо бўлибди. Мангуберди ордени билан тақдирлашибди. Қўмондонлик қилаётган полки тоғларда бир тўда қўпорувчиларнинг маконини топиб, яксон қилибди. Орденни шунга беришибди.

— Умридан барака топсин, — деб қўйди Домла.

Ҳамиша анча орқада қолиб юрувчи Мунаввар чорва илдам-илдам юриб, суҳбатга қўшилди:

— Эртамертан телевизорда Фармон эълон қилишди, — деди. — Келиним бор-ку, қишлоқ касалхонасида ишлайди. Шу ҳам «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланибди. Аввалига ишонмадим. Бир пайт касалхонадан кетмакет телефон қила бошлашди, эшитсам ҳамкасблари қутлашяпти. Шунда аниқ ишондим.

— Қарқунокдан булбул чиққани мана шу-да, — деди Ғаданг. — Фарзандларимиз мустақил Ватан хизматида, юрт корига яраб қолишди. Бири — қўлида қурол, чегарада ҳушёр турибди. Бири — хорижда Ватан манфаати деб бедор. Яна бири — шифокор. Тўртинчиси тадбиркор, хорижлик шерик билан миниё мошин чиқариш тадоригида. Юкниям таширмиш, ер ҳам ҳайдармиш, ҳовуз ҳам кавлармиш.

— Мустақилликнинг хосияти бу, мулла Асомиддин, — салмоқланди Домла.

Қариялар раҳматли Аравакаш ҳовлисига яқинлашишди. Дарвоза олдида Умиджон қўл қовуштириб кутиб турибди.

— Ўғлим Умиджон, — деди Ғаданг мўйлабини бураб, — отанг мана шу Чумчоқ қишлоғимизнинг олди аравакаши эди. Эл корига яраби. Кечасими, кундузими, эшик қоқиб келсак, хизматимизга ҳозиру нозир эди. Мана сен ҳам эл хизматида улғаяяпсан. Бу хонадон ҳамиша чироғон бўлсин, Аравакашнинг чироғи асло сўнмасин. Мустақил Ўзбекистонимиз хизматида сен каби қамарбаста йигит-қизлар камол топсин. Даврингиз келди, қандингизни уринг!

Юсуф ЖУМАНИЁЗОВ.

«БАРАКА»

кредит уюшмаси

мамлакатимиз аҳлини, хусусан, иқтисодиётимизнинг мустаҳкам таянчлари ҳисобланган тадбиркор ва ишбилармон доира вакилларини энг улуғ, энг азиз айём

Истиқлолнинг 15 йиллик шодиёнаси билан

қизғин муборакбод этади. Азизлар! Эл-юрт фаровонлиги ва маъмурчилиги йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда ҳамиша омад ёр бўлсин! «Барака» кредит уюшмаси сизга ҳамиша кўмакдош ва елкадош эканини унутманг. Бизга аъзо бўлинг ҳамда хизматларимиздан фойдаланинг. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 31-уй. Телефонлар: (8371) 362-89-47, 362-90-91.

Тадбиркорликка кенг йўл

ҲАРАКАТГА ЯРАША БАРАКА

Мамлакатимиз Мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлар учун эркин муҳит ва қулай шарт-шароитлар яратишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Тармоқнинг изчил ривожланиши юртимиз иқтисодиётининг мустаҳкам таянчи, пировардида эл-юртимиз фаровонлигининг муҳим омили бўлаётганини ортда қолган тарихан қисқа муддат яққол кўрсатди.

Қувонарли жиҳати шундаки, бугунги кунга келиб, шундай фаолият юритишни ихтиёр этган, замон талабидан келиб чиқиб, катта мақсад ва вазифалар сари дадил одим ташлаётганлар сафи тобора кенгаймоқда. Бунда ҳаракатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор, хусусан, Юртбошимизнинг тадбиркорлар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор қарорлари муҳим аҳамият касб этаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Бизнинг «Барака» кредит уюшмамиз айни шу мақсадларга хизмат қилишни кўзда тутади. У 2003 йил вилоят «Тадбиркор аёл» уюшмаси қошида ташкил этилган. Бугун 700 дан ортиқ аъзойимиз бор. Асосий мақсадимиз тадбиркорликни бошламоқчи ҳамда фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлган аъзоларимизнинг молиявий эҳтиёжини қондириш асосида иқтисодий шарт-шароитларини яхшилашга қаратилган. Уюшмамизга камида 5000 сўм пай бадали тўлаган ҳар бир юридик ва жисмоний шахслар аъзо бўлишади. Улар бўш турган маблағларини омонатга қўйишлари, эҳтиёжга қараб кредит олишлари, маълумот ва маслаҳат хизматларидан фойдаланишлари, ўқув дастурларимиз орқали малака оширишлари мумкин. Бундан ташқари, уларнинг сақлаш учун қўйилган пул маблағларидан даромад, пай бадалларига қараб дивиденд олиш ҳуқуқлари кафолатланган.

Бугунги кунгача бизга бўлган мурожаатларга биноан 812 та кредит ажратилиб, унинг миқдори 824 миллион 837 минг сўмдан ошди. Унга вилоятимизнинг 21 та туман ва шаҳаридан тадбиркор доира вакили қамраб олинган. Кредитларимизнинг салмоқли қисми ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, шунингдек, ёшлар таълимини қўллаб-қувватлашга қаратилаётир. Натижада, жойларда 210 дан ортиқ янги иш ўринлари очилди.

Бизда кредит олиш жараёнининг соддалаштирилгани, қулай ва тезкорлиги, ишончлилиги сабабли хизматларимизга бўлган талаб ва эҳтиёж юқори бўлаяпти. Кредитлар 2-3 кун ичида берилади. Асосий вазифамиз бу эҳтиёжларнинг барчасини қамраб олиш ва мурожаат этаётганлар талабини тўла қондиришга қаратилган.

Шу ўринда, уюшмамизнинг ҳамкорлик имкониятлари кенглиги, корхона ва ташкилотлар бўш маблағларини йиллик 16 фоиз тўлов ҳисобига мазкур хайрли мақсадга жалб этишлари ҳар томонлама манфаатли бўлишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу билан айниқса, аёллар тадбиркорлигини, оилавий бизнесни ривожлантиришга, қишлоқ жойларида янги иш ўринларини очишга муносиб ҳисса қўшиш мумкин.

Ҳаракатга яраша баракат, деган гап бор. Юртимизда яратилаётган имконият ва имтиёзлар кўлами жуда кенг. Истардикки, юртдошларимиз улардан тўғри, мақсадли фойдаланишса, шу тариқа эл-юрт фаровонлиги, маъмурчилигига ҳисса қўшишса. Шундагина мустақилликни янада мустаҳкамлаган, юртимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтирган бўламиз.

Гулнора МАҲМУДОВА,
«Барака» кредит уюшмаси кенгаш раиси.

ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастурига мувофиқ Ангрен шаҳрида "Ҳамшира – 2006" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда шаҳар ва туманлардаги даволаш-профилактика муассасаларида фаолият кўрсатаётган ўн нафар ҳамшира қиз беш шарт бўйича ўзаро куч синашди.

Мазкур кўрик-танловни ўтказишдан асосий мақсад тиббиёт муассасаларида фаолият кўрсатаётган ҳамшираларнинг касбий билимларини, истеъдодларини намоён этиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга кўмаклашиш, уларни ҳар томонлама рағбатлантиришдан иборат.

Кўрик-танлов якунига кўра, биринчи ўринни Юқоричирчиқ тумани марказий шифохонаси реанимация бўлими ҳамшираси Ўғилжон Қосимова қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Янгийўл шаҳар туғуруқ мажмуаси ҳамшираси Дилноза Аҳмедова ҳамда Бўка тумани марказий шифохонаси жарроҳлик бўлими ҳамшираси Мастура Раҳмоновага насиб этди.

Ғолиблар танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

ЎзА.

Тадбир

ФЕСТИВАЛЬ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида "Навқирон Ўзбекистон – 2006" анъанавий ва замонавий санъат фестивали якунланди. Ватанимиз истиқлолининг 15 йиллигига бағишланган ушбу тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда Бадиий академия билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ёшлар орасидан истеъдод эгаларини аниқлаш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг узвий ва ажралмас қисмидир. Бу борада "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўтган вақт мобайнида жамғарма ташаббуси билан ташкил этилган "Янги авлод", "Келажак овози" каби кўрик-танлов ва фестиваллар, иқтидорли талабалар учун таъсис этилган таълим грантлари бунга мисол бўла олади.

"Навқирон Ўзбекистон" анъанавий ва замонавий санъат фестивали бу йил юртимизда иккинчи бор ўтказилаётган бўлса-да, унда ўтган йилдагига нисбатан бир неча баробар кўп ёш ижодкор ўзининг мингдан зиёд асари билан қатнашди. Ўн кун давом этган фестиваль турли анжуманлар, ижодий учрашувлар, мулоқотлар, бадиий кўргазмаларга бой бўлди.

"Дебют" номинациясида "Ҳумо қуши" асари учун Жасванд Анназаров, "Ўзига хослик ва замонавийлик" номинациясида "Либослар дизайни тўплами" иши учун Саида Амир, "Маданиятлараро мулоқот" номинациясида "Илҳомланиш" картинаси учун Анастасия Никитина, "Замонавий концептуал лойиҳалар учун" номинациясида "Тошкент фаришталари" иши учун Камолжон Бобоев ғолиб деб топилди.

Ғолибларга тадбир ташкилотчиларининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Давлат дастури амалда

МАКТАБЛАР ЎҚУВ ЙИЛИГА ШАЙ

Мамлакатимизда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ, таълим муассасаларини капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар изчил амалга оширилмоқда. Айни кунларда вилоятнинг умуммиллий дастурга киритилган бир қатор мактабларида ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланмоқда.

Бўстонлиқ туманидаги 53 та мактабда 27 минг нафардан ортиқ ўғил-қиз таълим олади. Уларга 1 минг 700 дан ортиқ ўқитувчи сабоқ беради.

– Шу пайтгача 2006 йил режасига киритилган еттита мактабнинг учтасида реконструкция ишлари якунланди, – дейди Бўстонлиқ туман халқ таълими бўлим мудири Норпўлат Қурбонов. – Қолганлари ҳам белгиланган муддатда фойдаланишга топширилади.

"Хондайлиқ" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 10-мактабда ҳам катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

– Мактабимизда бир минг икки юз нафардан ортиқ ўқувчи таълим-тарбия олади, – дейди мактаб директори Содир Расултоев. – Шу пайтгача болаларни мослаштирилган бинода ўқитиб келаётгандик. Мана энди янги, замонавий, кенг ва ёруғ мактабга эга бўлдик. Иккита спорт залимиз, ошхона, мажлислар зали ҳамда 38 та синфхонамиз бор. Шунингдек, меҳнат дарслари учун кичик цехлар, физика ва химия хоналари учун лабораториялар ҳам мавжуд.

Ғазалкент шаҳри марказида жойлашган 960 ўринли 1-мактаб ҳам бутунлай янгича қиёфа касб этди. Қурилиш-таъмирлаш ишларини "Кристалл" қурилиш фирмаси бунёдкорлари амалга оширди. "Тошвилоятқурилиш" акциядорлик жамияти қурувчилари эса 3-мактабни капитал таъмирлаб беришди.

Л. СУВОНОВ, ЎзА мухбири.

Учрашувлар, мулоқотлар

ПАРКЕНТДА «МАҲАЛЛА КУНИ»

Мамлакатимизда бошқарув тизимининг қуйи бўғини ҳисобланган қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини такомиллаштиришга, уларни баобрў, бой ҳаётий тажрибага, аҳолини ўз ортидан эргаштира олиш салоҳиятига эга оқсоқоллар бошқаришига алоҳида эътибор берилмоқда.

Паркент туманида 9 та қишлоқ, 50 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият юритяпти. Туманда «Ибратли оқсоқол», «Тадбиркор оқсоқол», «Намунали маслаҳатчи» кўрик-танловлари ўтказиляпти. «Ибратли оқсоқол» йўналиши бўйича Намданак қишлоқ фуқаролар йиғини раиси З. Пирматов, «Тадбиркор оқсоқол» йўналишида Сўқоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ҳ. Ҳакимов, «Намунали маслаҳатчи» йўналиши бўйича Паркент шаҳри Сой маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси М. Ғанихонова танлов ғолиби бўлдилар.

Тумандаги сўлим «Бойчечак» дам олиш оромгоҳида Мустақиллик байрами арафасида туман ҳокимлиги, туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси саъй-ҳаракати билан «Маҳалла куни» тадбири ўтказилди. Унда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари олдида турган муҳим вазифалар тўғрисида сўз юритилди. Иш фаолиятида алоҳида муваффақиятларга эришган оқсоқоллар, маслаҳатчилар, посбонлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, «Маҳалла куни» тадбири мушоира, назм-наво кечасига уланиб кетди. Тадбирга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, «Шарқ юлдузи» журнали бош муҳаррири Минҳожиддин Мирзо, Халқ шоири Маҳмуд Тоиров, Ўзбекистон Миллий театри актёри, республикада хизмат кўрсатган артист Фатхулла Маъсудов, Тошкент Давлат Консерваторияси доценти, таниқли ҳофиз Шомаҳмуд Шорахмедов, республика «Маҳалла» газетаси бош муҳаррири Чори Латипов ва бошқалар ташриф буюрдилар. Уларнинг чиқишлари кечага ўзгача файз киритди.

СУРАТЛАРДА: *тадбирдан лавҳалар.*

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Кейинги йиллар халқ таълимини ислоҳ қилишда алоҳида ўрин тутиб, янги инсон тарбиясига янгича ёндашувни тақозо этишини тасдиқлади. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент фармонлари ва қарорларини изчил амалга ошириш таълим муассасаларида кенг кўламли дастур ва режалар самарасини таъминлади.

Вилоят халқ таълими ходимларининг Бекобод шаҳрида байрамона руҳда ўтган анъанавий август анжуманида шу ҳақда сўз борди. Иштирокчилар ташаббускор ҳомий — «Ўзметкомбинат» ишлаб чиқариш бирлашмаси то-

Август кенгашлари:

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

монидан капитал таъмирланиб, талаб даражасидаги замонавий таълим масканига айлантирилган 16-умумтаълим мактабини, шаҳарда ислоҳотларнинг самаралари ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмани кўздан кечирдилар.

Анжуманда вилоят ҳокими Мирзамашрап Куччиев, «Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, сенатор Александр Фармонов, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ўринбосари Усмонали Мусаев иштирок этишди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Юнус Шарипов ўз маърузасида мактаб таълимини ривожлантиришга қаратилган давлат умуммиллий дастурининг ижроси юзасидан бажарилган ишларни чуқур таҳлил қилиб, мавжуд камчиликлар, уларни бартараф этиш омилларига алоҳида тўхталди.

Анъанавий август кенгаши иштирокчилари салоҳияти ниҳоятда кенг вилоятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фан ва таълим ходимларининг тутган ўрни, улар бажараётган улкан ишларнинг кўламлари, халқ таълими соҳасидаги ислоҳотларда ҳомийлар ёрдамини талабчанлик билан баҳолашди.

Ноанъанавий тарзда ташкил этилган анжуман давомида Ўртачирчиқ туман халқ таълими бўлими ўқитувчиларининг «Замонавий мактабда замонавий билимни замон талабига жавоб бера оладиган ўқитувчигина ўргатади», чирчиқлик ўқитувчиларнинг «Янги мактаб, ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллардан самарали фойдаланиш ва уларни асраб-авайлаш — барчанинг бурчи» мавзуларидаги тақдимотлари орқали илғор тажрибалар билан танишиш иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, ёш ўқитувчиларнинг чиқишлари барчага манзур бўлди.

Вилоят ҳокими меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатган ўқитувчиларга «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси» кўкрак нишонлари ва фахрий ёрлиқлар, саховатпеша ҳомийларга «Таълим ҳомийси» кўкрак нишонларини топширди.

— Мактабимизда адабиёт фани бўйича тажриба-синов синфлари ташкил этганмиз, — дейди Бекобод шаҳар 16-мактаб ўқитувчиси Нуринисо Раҳмонқулова. — Тинимсиз изланишларимиз туфайли самарадорлик 98 фоизни ташкил этмоқда. Янги-янги услубларнинг дарс жараёнига жорий этилиши ўқувчиларнинг сўз, фикр эркинлигини оширмоқда. Иқтидорли болалардаги ижобий фазилатлар мактабимиздаги бошқа ўқувчиларга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

— Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида ўқувчиларимизнинг қувончи чексиз. Улар биринчи қўнғироқни, Мустақиллик дарсини янги мактабда, янги синф хоналарида кутиб олишади, — дейди Ангрендаги 15-мактаб раҳбари Лазокат Ҳакимова. — Ягона мақсадимиз — биз тарбиялаётган фарзандлар эртага юрт фахрини кўкларга кўтаришсин.

Анжуманнинг ёш иштирокчиси, халқ таълими аълочиси Азизбек Қўшбоевнинг ҳам таассуротлари ўзгача:

— Мен бундай тадбирлардан одатда бой фикр билан қайтаман. Вилоятимизда таълим фидойилари, кучли ўқитувчилар жуда кўп. Уларнинг йиллар давомида орттирган тажрибалари ҳеч бир китобга сиғмайди. Мен ана шундай ўқитувчиларнинг барчасини ўзимга устоз деб биламан. Жонкуяр устозлар кўплиги билан фахрланаман.

Анжуман халқ таълимини ислоҳ қилиш дастурини амалга оширишни чуқурлаштириш чора-тадбирларини қамраб олган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқди, тегишли қарорлар қабул қилди.

Гулмира ЖАМИЛОВА.

СУРАТЛАРДА: *(чапдан иккинчи) Халқ таълими аълочиси нишони соҳибаси, Чиноз туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси Ҳафиза Усмонова; алоҳида ўрнак кўрсатган ўқитувчиларни тақдирлаш пайти.*

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Замондор

Катта йўлдан бораётган карвон ҳамиша ортига ботбот қараб қўяди. Бугун ҳам, шу шукуҳли айёмда — Мустақиллигимизнинг 15 йиллик довонидан туриб хаёлга толаяпман. Чунки, ўзига хос залворли чўққидан боқиб, ўтган дамларни эслаш, камчиликлардан сабоқ олиш, имкониятларни чамалаш, келгуси мақсад-режаларни белгилаб олиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

ТОПГАН-ТУТГАНИМИЗ ЭЛ-ЮРТГА

Аввал иқтисод деганларидек, «Истиқлол менга нима берди?» дея кўпчилигимиз ўзимизга савол берамиз, фикр, мушоҳада юритамиз. Ҳар ким ўзидан ўтганини ўзи билади. Мен ҳам бугунги фаолиятимиз, мустақиллик бераётган имкониятлар борасида тўхталмоқчиман.

Суягимиз деҳқончиликда қотди, пахтанинг ичида катта бўлдик. Давлат режаларини ошириб-тошириб бажариш учун тиним билмай ишлаб, дунёларни олтин толага белаб қўйгандиг-у, эгнимиз пахта кўйлак кўрмасди. Кимга ва нима учун тер тўкаётганимизни билмасдик. Бир оғиз раҳмат эшитсак, «яша, азамат» деб қўйишса, майлийди...

Ҳайриятки, пешонамизга онгли ҳаёт кечириш ва меҳнат қилиш саодати ҳам битилган экан. Тўғрироғи, бундан 15 йил олдин қўлга киритган тарихий ютуғимиз — Мустақиллик бизга шундай беназир имкониятни яратиб берди. Ниҳоят, 1994 йилнинг баҳорида 10 гектар ер билан фермер хўжалиги ташкил этиб, иш бошладик. Уч укам ёнимга киришди. Тоққа чиққан чўққини кўзлаганидек, йилма-йил ер майдонларини ҳам, фаолият кўламимизни ҳам кенгайтириб бордик. Зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари ўз вақтида тарқатилиб юборилиши айни муддао бўлди. Ҳозирги кунда жами майдонимиз 80 гектар.

Иш бошлаганимизда энг катта муаммо сув масаласи эди, дастлаб уни ҳал қилдик. Ойламиз ҳисобидан насос сотиб олиб ўрнатдик. Иккинчиси, ернинг унумдорлиги жуда паст эди. Бунинг ҳам уддасидан чиқдик, ерларимизнинг мелиоратив ҳолати йилма-йил яхшиланиб борди. Бунда маҳаллий ўғитга зўр бердик. Учинчи масала, техникамиз йўқ эди. Йиллар мобайнида кўрилган даромаднинг учдан бир қисмини фақат техник имкониятимизни мустаҳкамлашга йўналтирдик. Ҳозир трактор ва бошқа механизмларимиз етарли. Ҳатто, дон комбайнимиз ҳам бор. Четдан техника ёлламаймиз, ортиқча харажат йўқ.

Яна бир асосий эътиборимиз барча имкониятлар ва ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишга қаратилган. Қимматбаҳо минерал ашёлар ўрнига кўпроқ маҳаллий ўғит ишлатамиз. Ҳозирги кун пахтачилигининг илғор тажрибаларини ҳам имкон қадар татбиқ этишга интилаяпмиз. Мисол учун чигитни уялаб экишнинг аниқ ҳисоб-китобини қўллаб, бир гектарга 70 ўринга 20-22 килограмм уруғлик сарфлаймиз. Буларнинг бари сарф-харажатларни камайтириб, соф фойдани кўтаради. Саъй-ҳаракатларимизнинг натижаси ўлароқ, бугун ҳосилдорлик пахтадан 40-45, буғдойдан 50 центнерга етди. Бу дастлаб иш бошлаган йилларимиздагидан 20-25 центнер юқори натижадир.

Замон кишиси ҳамиша интилиш ва изланишда бўлиши керак. Биз ҳам келгусида экин майдонимизни 100 гектарга кенгайтирмоқчимиз. Қўшимча даромад олиш мақсадида чорвачилик тармоғимизни кенгайтириб, қорамолларимиз туёғини кўпайтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхона бунёд этиш режамиз ҳам бор. Бу амалга ошса, кўплаб ҳамқишлоқларимиз учун қўшимча иш ўринлари яратилади.

Хуллас, бизга бекиёс имкониятлар туғдирган истиқлолдан қарзимиз кўп. Уни мустаҳкамлаш, асраб-авайлашга кўп жиҳатдан бурчлимиз. Топган-тутганимиз ҳам аввало эл-юрт учундир.

Абдухолиқ ЖАББОРОВ,
фермер,
Бекобод тумани.

Ифтихор

БИЛИМИ БОР ҚОҚИЛМАЙДИ

Истиқлол ёшлар учун кенг имкониятлар эшикларини очди. Бугун ўз билимингизга ишонсангиз юртимизнинг исталган олий ўқув юртига ўқишга киришингиз мумкин.

Болалигимдан ўқитувчилик касбига меҳрим баландлиги туфайли мактабни тамомлагач, ҳужжатларимни вилоят давлат педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетига топширдим. Тест синовлари олдидан бўладиган консультацияларга қатнашдим. Баъзан тенгдошларимнинг ўзаро суҳбатлари чоғида ҳар хил «олдиқочди» гаплар қулоғимга чалиниб қоларди. «Танишинг борми?», «Ҳаракат грантгами ёки контрактга?» деган саволларни менга ҳам беришди. Уларга ҳеч иккиланмай: «Албатта, грантга ҳаракат қилаяпман», дедим.

Бу гап-сўзлардан сўнг кўнглимда сал хавотирлик уйғонгани рост. Лекин шунга амин бўлдимки, тест адолатли синов экан. Жавоблар варақасида махсус рақамимнинг давлат гранти чизиғида турганини кўриб, қувончим кўкка етди. Билдимки, билими кучли абитуриент ҳеч қачон имтиҳонда қоқилмас экан. Бу — Мустақиллик байрамида ота-онам учун менинг ўзига хос совғам бўлди.

Барно ТЎҒИЗБОЕВА,
вилоят давлат педагогика институти ўзбек филологияси факультети талабаси.

Дил изҳори

ҲАМКОРЛИКНИ ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ

АҚШ – Ўзбекистон савдо палатаси 1993 йилда ташкил этилган бўлиб, ўтган давр мобайнида биз ўзбекистонлик шерикларимиз билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Маълумки, АҚШ – Ўзбекистон савдо палатаси икки мамлакат тадбиркорлари гуруҳини бирлаштириб, ўз фаолиятидаги асосий эътиборни икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожига қаратади.

Мен Ўзбекистонни кўп йиллардан буён биламан. Кўҳна тарих, бой маданият ва юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлган бу мамлакат бозор иқтисодиётига асосланган замонавий жамиятни яратиш йўлида жадал ҳаракатланмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Мустақилликнинг 15 йиллиги билан самимий муборакбод этаман. Ушбу қутлуғ айём арафасида мамлакат аҳлига бахт ва фаровонлик тилайман.

Роберт ПЕЙС,
АҚШ – Ўзбекистон савдо палатаси ижрочи директори.
«Жаҳон» АА.

Бугун ўз даромадларининг салмоқли қисмини хайрли мақсадларга йўналтираётган замондорлар сафи тобора кенгаймоқда.

ФЕРМЕРНИНГ ТУҲФАСИ

Паркент туманидаги «Ҳожи ота» фермер хўжалиги ҳам шундайлар сирасидандир. Хўжалик томонидан «Гулбоғ» маҳалласи ва ҳудуддаги 6-умумтаълим мактабига мунтазам ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келинмоқда. Куни кеча маҳалла фаоллари ва хўжалик аъзолари иштирокида ўзини-ўзи бошқариш идораси ва таълим муассасасига биттадан замонавий компьютер тўплами топширилди. Бу ҳудуд аҳолиси ва мактаб ўқувчиларига муносиб байрам совғаси бўлди.

Ш. ҒАЙРАТОВ.

МЕН МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ ОЛДИМ

Ўйлаб кўрсак, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар негизида инсон манфаатлари мужассам.

Юртбошимиз бошланажак ҳар янги йилга ном берар экан, унинг моҳияти аввало, инсон манфаатларини улуғлаш, ижтимоий ҳаётимизнинг турфа жабҳаларидаги муаммоларни бартараф этиш, юртдошларимизни яхши ният, эзгу мақсадлар йўлида бирлаштиришда маънавий куч бўлишига қаратилганлигини кўп бора таъкидлайди. Буларнинг бари ўтган йиллар мобайнида туриш-турмушимизда ўз аксини топаётгани қувонарлидир.

Худди шунингдек, бу йил юртимизда Ҳомийлар ва шифокорлар йили дея эълон қилингани эзгу ишлар кўламини бекиёс кенгайтирди. Хусусан, Президентимизнинг махсус қарори ва йил дастурига мувофиқ эҳтиёжманд хонадонларга бир бошдан сигир берила бошланди.

Биласиз, қишлоқ хонадонининг асосий тирикчилиги деҳқончилик ва чорвачилик билан. Бироқ, бунга ҳаммада ҳам имкон бўлавермайди. Имкон бўлганда эса, шарт-шароит етишмайди. Очиғи, кейинги йиллар оиламиз боқувчисидан жудо бўлгач, турмушда бир мунча қийналиб қолгандик.

Хуллас, маҳалламиз фаоллари ва ҳомийлар биргаликда хонадонимизга ташриф буюриб, она-бола сигир туҳфа этишди. Бу оиламизнинг энг катта орзуларидан бири эди. Уч нафар воягa етмаган фарзандим бор. Уларнинг қувонганини сўз билан ифодалаш қийин. Энди хонадонимизга қут-барака кириб қолди, дастурхонимиздан фойдали, тансиқ неъмат ҳисобланган сут-қатиқ аримаяпти.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, мутасаддилар хатҳужжатини ростлаб, номимизга меҳнат дафтарча ҳам очиб беришди. Чорва парвариши билан шуғулланаётганимиз боис, доимий меҳнатда банд аҳоли тоифасига киритилибмиз. Бу барча қатори тенгма-тенг ижтимоий муҳофазаланиш, кексайганда пенсия олиш имконини беришини эшитиб, янада қувондим.

Бундай бекиёс имкониятлар яратиб бераётган Мустақиллик ва ҳукуматимизнинг узоқни кўзловчи, оқилона сиёсати учун ҳар қанча ташаккур айтсак, арзийди.

Рашида ОЙНАҚУЛОВА,
Қуйичирчиқ тумани.

Бугунгача вилоятимиз бўйича 2340 нафар эҳтиёжманд оилага сигир тарқатилди.
Чорва парвариши билан шуғулланаётган 129479 та хонадоннинг имконият ва шарт-шароитлари ўрганилди. Уларда наслли қорамолларни кўпайтириш мақсадларига 1148 та микрокредит ажратилди.
Чорва парвариши билан банд бўлган 6687 кишига меҳнат дафтарчаси очилди.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабларнинг битирувчиларини лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитишни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси масалаларига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

КОЛЛЕЖ ТАЪЛИМИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Оммавий ахборот воситалари ходимлари узлуксиз таълим босқичлари, мактаб битирувчиларини академик лицей ва коллежларга жалб қилиш жараёнлари билан таништирилди. Таъкидландики, ҳозирги шароитда бу ўқув муассасалари учун янги, замонавий асосларда жиҳозланган бинолар қуриш, педагогик кадрларни тарбиялаш ва малакасини ошириш, давлат таълим стандартлари талабларига жавоб берадиган янги дарсликлар тайёрлаш долзарб тус олди.

Журналистларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоблар берилди.

Ўз мухбиримиз.

2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида Зангиота туманидаги 6 та умумтаълим мактаби капитал таъмир ва реконструкция учун 2006 йил режасига киритилган эди.

ЎҚУВ ЙИЛИГА ТУҲФА

Айни кунда ушбу ўқув муассасаларида барча қурилиш ишлари якунланиб, янги ўқув йилига ҳозирлаб қўйилди.

Бундан ташқари, Ҳомийлар ва шифокорлар йилида туман ҳокимлиги ташаббуси билан 37-умумтаълим мактаби учун 120 ўринга мўлжалланган қўшимча бино қуриб битказилди. Бунинг учун 100 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Ҳозир бу ерда сўнгги пардозлаш ва жиҳозлаш ишлари бормоқда. Мустақиллик байрами кунлари янги бино фойдаланишга топширилади.

Равшан РУСТАМОВ.



«Тошкент электр тармоқлари»
очиқ акциядорлик жамияти
ватандошларимизни
Истиқлолнинг
15 йиллик тўйи
билан қизғин қутлайди.
Юртимиз тинч, маҳаллаларимиз обод бўлсин!
Ватанимиз тобора гуллаб-яшнаб,
Ўзбекистонимизнинг шон-шуҳрати
дунё бўйлаб таралаверсин!
Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Ҳар куни қадрдон корхонамга кириб келар эканман, дилимда кўтаринки, ҳаётбахш ҳислар уйғонади. Цехлардаги замонавий ускуналар ёнида қўли-қўлига тегмай меҳнат қилаётган ҳамкасбларимнинг хатти-ҳаракатларини кузата туриб, улар қаторида эканлигимдан фахрланаман ва янги ғайрат, янги куч билан иш бошлайман.

КОРХОНАМИЗ ДУНЁГА ЮЗ ТУТДИ

Бизнинг Ғазалкент консерва заводимиз туман иқтисодиётида ўзининг салмоқли ўрнига эга. Бу ерда фақат маҳаллий хом ашё ҳисобига фаолият юритилаётганлиги кўплаб қўшимча иш ўринлари очилаётганидан ташқари валюта тежаш имконини ҳам бераётир. Корхонамиз мева-сабзавотлардан юздан зиёд турдаги консерва маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуввати-га эга. Ҳозир мижозларга етказилаётган маҳсулотлар тури 40 тадан ошди. Айниқса, томат пастаси, мева шарбатлари ва консерваланган салатларнинг бозори чаққон. Шу сабабли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ўсаётганини кузатишимиз мумкин. Бу йил тумандаги фермер хўжаликлари билан 28 минг тонна помидор сотиб олиш бўйича шартномалар тузилди. Боғбонлар эса 2 минг тонна мева етказиб берадиган бўлишди.

Ана шундай қайноқ ҳаёт жабҳасида ғурурланиб меҳнат қилаётганимнинг яна бир муҳим сабаби бор. Цехларимизда қадоқланиб, тайёрланган маҳсулотлар 100 фоиз экспортга чиқарилмоқда. Чет элликлар дастурхонига «Made in Uzbekistan» тамғаси остида етказиб берилаётган бир-биридан мазали маҳсулотларни ўз қўлларим билан бирма-бир саралаб ўтказаман. Улар узоқ-узоқ мамлакатлардаги истеъмолчиларга ўзи билан жаннатмакон юртимиз ҳавосини, табиатини ҳамда таърифини етказади, назаримда. Бу эса мен каби 400 нафар ишчи ва хизматчиларга фахр-ифтихор бағишлаши табиий, албатта.

Ойлик маошларимиз йил сайин ошиб, ишчиларнинг ижтимоий муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса барчамизнинг қадримизга қадр қўшилаётганлигидан далолат беради. Яқинда заводимиз ҳудудида мевани қайта ишловчи Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг иш бошлаганидан бошимиз осмонга етди. Демакки, корхонамизнинг келажаги порлоқ.

Севара НОРАЛИЕВА,
корхона ишчиси.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида 10 тагина корхонада пахта, кимёвий ўғит, рангли металл каби маҳсулотлар фақат МДҲ мамлакатларига хом ашё сифатида экспорт қилинарди, тайёр маҳсулот эса 2,6 фоизни ташкил этарди.

Ҳозир 130 та корхона томонидан 62 та олис ва 11 та яқин мамлакатларга озиқ-овқат, ип газлама ва машинасозлик маҳсулотлари, турли техника ва технологиялар, трикотаж буюмлари етказиб берилмоқда.

Шу йилнинг ўзида 464 миллион АҚШ долларилик маҳсулот четга экспорт қилинди.

ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛ ДЕБОЧАСИ

Ўз Мустақиллигининг ўн беш йиллигини зўр тантаналар билан нишонланаётган юртимизда кўтаринки рух, байрамона кайфият ҳукмрон. Ишончимиз комилки, бу дориломон кунлар ҳали ҳамир учидан патир, порлоқ замонларнинг бир дебочаси, холос. Зеро, барча инсонлар каби келажакни кўра билиш, юксакликка интилиш, ҳавас туйғуси бизларга ҳали бегона эмас. Биз нафақат орзу қилишни, балки ўша орзуларни рўёбга чиқаришни ўрганямиз. Ўй-фикрларимиз теранлашяпти, янгича маъно, янгича ҳаётий нафосат касб этаяпти.

Шу маънода таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида ташкил этилган савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси белгиланган йўналишларда изчил фаолият юритган ҳолда вилоятнинг иқтисодий салоҳияти юксалишига ўзининг муносиб улушини қўшиб келмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида бошқарма 247 тадбиркорлик субъектини ўзига бирлаштирган бўлса, улардан 153 таси юридик корхоналар, қолган қисми якка тартибдаги тадбиркорлардир. Аъзо қилинган юридик корхоналар таркибида 125 та микрофирма, 22 та кичик, 5 та йирик корхона ҳамда 1 та уюшган аъзо бор.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уни рағбатлантириш мақсадида фермерлар, тадбиркорлар ва ҳунармандлар ўртасида ҳар йили «Ташаббус» кўрик-танлови анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Бу йилги танлов ҳар қачонгидан ҳам юқори савияда ўтказилди. Танловнинг вилоят босқичида 60 га яқин иштирокчи ўзининг 1000 дан ортиқ турдаги маҳсулотлари билан қатнашди. «Энг яхши фермер» йўналиши бўйича Тошкент туманидаги «Тўхтаниёз ота» фермер хўжалиги раҳбари Муҳторхожи Тўхтаниёзов танловнинг республика босқичида биринчи ўринни қўлга киритиб, «Матиз» автомобили билан тақдирлангани барчамизни қувонтирди.

Корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш борасида ҳам арзирли ютуқларга эришилмоқда. Шу йилнинг бошида «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида Эрон Ислом Республикаси ишбилармон доиралари ва ўзбек тадбиркорлари ўртасида кооперацион биржа учрашуви бўлиб ўтган эди. Унда вилоятимиз номидан «Авесто-Шамс» хусусий фирмаси, «ТВС Металл» ҳамда «New York Center Co» каби корхоналар иштирок этди. Учрашувда икки томонлама ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди. Бундан ташқари, халқаро бизнес марказида «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси томонидан таклиф этилган инвестицион лойиҳаларнинг видеотақдимоти ҳам вилоятимиз тадбиркорлик субъектлари учун самарали бўлди. Унда палата аъзолари бўлган «Паркент Шароб» савдо корхонаси ҳамда «Усмон Юсупов» ширкат хўжалиги ва бошқалар қатнашди.

Тадбиркорларга хорижий ҳамкорлар билан алоқа ўрнатишларида амалий кўмак бериш мақсадида бошқарма томонидан Москва шаҳри, Оренбург области, Татаристон Республикасининг Жануби Шарқий палаталари ҳамда Эрон давлатининг Ароқ вилояти савдо-саноат ва конлар палатаси билан ҳамкорлик қилиш битимлари имзоланди.

Республика Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш борасида ҳам қатор ташкилий ишлар амалга оширилди. Фармондан келиб чиқадиган вазифаларни тушунтириш ва тарғиб қилиш юзасидан адлия, солиқ бошқармалари, прокуратура, банк ходимлари ҳамда маҳаллий шаҳар ва туман ҳокимликлари вакиллари билан биргаликда «Президент Фармон ва қарорлари асосида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига яратилган имкониятлар» мавзусидаги кўргазмали семинар-йиғилишлар ўтказилди.

Биз амалга оширилган ушбу чора-тадбирларни бундан кейин ҳам давом эттирган ҳамда тўлдирган ҳолда иш юритишимиз зарурлигини яхши тушунамиз. Зеро, буларнинг замирида ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг асосий бўғини ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқарувчи кучларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсади турибди.

Фарҳод ТОШМЕТОВ,
Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси бошлиғи.

Хозирги кунда савдо-саноат палатасининг вилоятдаги аъзолари сони 1571 тага етди. Шулардан 826 таси юридик шахс, 745 таси якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлардир.

Шу йилнинг ўтган даврида бошқарманинг бевосита иштирокида тадбиркорлик субъектларига тижорат банкларидан қарийб 10 миллиард сўмлик кредит ажратилди.

Вилоят бўйича 19334 та янги иш ўринлари очилди. Шундан 16562 таси кичик бизнес корхоналарига тўғри келади.

Дил изҳори

«ЮРТИНГИЗДА МЕҲМОН БЎЛГАНМАН»

Ўзбекистонга тез-тез ташриф буюрган, халқининг меҳмондўстлигидан баҳраманд бўлган, ҳавосидан тўйиб нафас олган инсон сифатида мамлакат халқини яқинлашиб келаётган байрам билан муборакбод этишдан мамнунман. Бизга маълумки, қадимий ва буюк тарихга эга бўлган Ўзбекистон инсоният цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган.

Юртингизда меҳмон бўлганимда, мен Ўзбекистон ва Миср ҳам ислом, ҳам умуминсоният тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган мамлакатлар эканига ишонч ҳосил қилдим. Уларнинг яна бир ўхшаш жиҳати шундаки, бугунги кунда иккала давлат ҳам жиддий сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон раҳбарияти доимо тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, мамлакат иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этишга катта эътибор қаратаётганини мен ўз тажрибамдан биламан. Мустақиллик йилларида республика улкан ютуқларни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Ҳамдий АБУЛАЙНЕЙН,
Калюбия савдо-саноат палатаси раисининг биринчи ўринбосари,
«Ар-Раҳоб» компанияси бошқарув кенгаши раиси.

Мустақиллик мевалари

ТОШКЕНТДАН ШАНХАЙГАЧА

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда халқаро аҳамиятга эга автомобиль йўллари тармоғи кенгайиб бормоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг Қамчиқ-Резак туннелларини қуриш ва Тошкент-Ўш автомобиль йўлининг 116 дан 196 километргача бўлган қисмини реконструкция қилишга оид қарори бу борадаги ҳаракатларга қанот боғлади.

«Ўзавтойўл» давлат компанияси таркибидаги Тошкент, Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари махсус йўл-қурилиш ташкилотлари кучи билан Қамчиқ довонида туннель қуриш, умуман янги автомобиль йўлларини барпо этиш ва реконструкция қилиш ишлари қисқа вақт ичида амалга оширилди. Бунда «Қамчиқ» махсус пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонасининг ҳам муносиб улуши бор.

— Бугун Шарқ-Ғарб, Жануб-Шимол йўналишлари бўйича мамлакатимизнинг барча ҳудудларини транспорт йўллари билан боғлашга эришилди, — дейди корхона раҳбари Исоқжон Шокиров. — Бу эса ўз навбатида вилоятларнинг туман ва шаҳарлари иқтисодиётини комплекс ривожлантириш учун янги имкониятлар йўлини очиб бераяпти. Қолаверса, Тошкент-Ўш йўли юртимизнинг Хитой билан иқтисодий, маданий ҳамкорлик алоқаларининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Корхонамиз Тошкент-Ўш йўлининг 144 дан 214 километргача бўлган масофаси созлигига, техник жиҳатдан хавфсизлигига, кўркам ва ободлигига масъулдир. Мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида, яъни 2001 йилнинг 29 августида Резак туннели фойдаланишга топширилганди. Тантанали очилиш маросимида давлатимиз раҳбари иштирок этиб, биз, йўлсозларнинг ишимизга юқори баҳо берганлиги кечагидай кўз ўнгимизда.

Денгиз сатҳидан 2250-2300 метр баландликдан ўтган довон йўли бугун элларни элларга боғлаб турибди. Оламшумул воқеа ҳисобланган янги довон йўли ижод аҳлига ҳам илҳом бахш этди ва унга бағишлаб шеъру достонлар яратилди.

— Олдинги довон йўли тор бўлиб, куз-қиш ойларида транспорт ҳаракати тўхтатиб қўйилар эди, — дейди Исоқжон Шокиров. — Чунки, ёмғир-қор нишабларни ювиб, тош-тупроқ кўчишига сабаб бўларди. Энди, бундай муаммолар йўқ, транспорт ҳаракати йил-ўн икки ой кечаю-кундуз давом этаяпти.

Дарҳақиқат, йўл транспорт-техника хавфсизлигини таъминлашда, табиий кўчкиларнинг олдини олишда, йўловчилар ва ҳайдовчиларнинг ҳаётини муҳофаза қилиш учун корхона таркибида тиббиёт, алоқа, электр таъминоти, фавқулодда вазиятлар, ички ишлар бўлимлари, давлат автомобиль назорати, телекузатув, об-ҳавони аниқлаш ва қутқарув бўлинмалари хизмат қилаётир.

Бугунги кунда йўл бўйлаб 500 киловатт қувватга эга электр линияси тортилди. Янги шиша толали алоқа хизматидан йўлчилар ҳам фойдаланишмоқда.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Ислоҳот одимлари

АНГРЕНДА ШУНДАЙ КОРХОНА БОР

Томчида қуёш акс этади, дейишади. «Ангрен цемент комбинати» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш фаолияти ва меҳнат жамоасининг ижтимоий ривожланиш соҳасидаги ютуқлари билан танишгач, бу ҳикматнинг маъно-мазмуни қанчалик чуқурлигини яққол ҳис қилдик.



Бир пайтлари мамлакатда довруқ қозонган кончилар шаҳрини барпо этиш жараёнида улкан қурилишларга цемент етказиб бериб турган бу корхона ўтган асрнинг охирига келиб «ўтириб» қола бошлаган эди. 90-йилларнинг бошида Жигаристон глиеж карьерида хом ашё қазиб олиш ҳажми деярли олти марта қисқариб, 53 минг тоннага тушиб қолди.

— Мана шундай мураккаб шароитда цемент комбинати хусусийлаштирилди, — дейди акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Баҳриддин Бобоқулов. — Унинг замирида акциядорлик жамияти барпо этилди. Шундан буён ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун кўп куч ва сармоя сарфлашга тўғри келди. Ҳар йили янги-янги техника ва технологик ускуналар сотиб ола бошладик.

Дарҳақиқат, ишлаб чиқаришни қайта жонлаштириш жараёни осон кечмади. Аввало, эскирибми, ишдан чиққан машина-механизмлар, ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш керак эди. Бунинг учун 41 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Натижада, корхона йилига 1,5 миллион тонна глиеж қазиш қувватига эга бўлган учта экскаватор, бульдозер ва бошқа техника воситаларини сотиб олди. Ҳозир корхонанинг ўз автобазаси йигирматадан кўпроқ оғир юкли самосвалларга эга. Ҳар куни 15-16 автомашина глиежни донадорлаштириб майдалайдиган фабрикага 800-1200 тонна хом ашё етказиб бераяпти.

Одатда автомашиналар хом ашёни олиб келиб, тўғри майдалаш цехига узатувчи агрегат «ҳалқуми»га ағдаришади. Улкан тегирмон юргизувчилари Ўғилой Исмоилова, Ойниса Маражапова, Меҳринисо Мадаминованинг қўли-қўлига тегмайди. Қудратли машиналарни У. Ҳакимова, Б. Бобоқулова бошқаришади. Улар қўнғирсарғиш тошларни майдалаб, донадор қилиб чиқаради. Кейин бу маҳсулотларни мамлакатнинг цемент корхоналарига жўнатишади. У цемент ишлаб чиқаришда омухта сифатида ниҳоятда зарур ярим хом ашё ҳисобланади.

Корхона хусусийлаштирилиб, ишлаб чиқариш қайта йўлга қўйилган 1995 йили 42 минг тонна шундай маҳсулот

«Ангрен цемент комбинати»
очиқ акциядорлик жамияти
меҳнат жамоаси
қурилиш материаллари саноати ходимларини, барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллик байрами билан чин дилдан табриклайди!
Ҳаммангизга соғлиқ, омонлик, хонадонларингизга фаровонлик тилаймиз, азиз дўстлар!

истеъмолчиларга жўнатилган эди. Ишлаб чиқариш кенгайтирила бориб, ўн йилда унинг ҳажми 234 минг тоннага етказилди. Муҳими, 1998 йилдан бошлаб, мустақил Ўзбекистонда яна бир сифатли қурилиш маҳсулоти — оқ цемент ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. У одатдаги цементдан фарқли ўлароқ фақат биноларни пардозлашда ишлатилиши айтилса, қанчалик ноёб ва қимматли эканлиги англашилади. Оқ цемент ишлаб чиқариш қайта тикланганидан кейин ўтган муддатда унинг ҳажми деярли икки ярим баробар кўпайтирилиб, ўтган йили бинокорларга 4 минг 348 тонна шундай ноёб «қурилиш нони» етказиб берилди.

Корхона ишчи-хизматчилари Мустақилликнинг 15 йиллик байрами арафасида ўсиш суръатларини янада оширишди. Чунончи, биринчи ярим йилликда 2 минг 345 тонна оқ цемент ишлаб чиқарилиб, суръат ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10 фоиз ортишига эришилди. Донадор глиеж ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга жўнатиш суръати эса шу даврда 13 фоизга кўтарилди. Мамлакатнинг цемент корхоналарига олти ой мобайнида 119411 тонна қимматбаҳо хом ашё етказиб берилди. Ярим йиллик 82 миллион сўмга яқин соф фойда билан якунланди.

Учинчи чоракда корхона жамоаси донадор глиеж ҳажмини 73 минг тоннага етказишни мўлжалламоқда. Ялпи маҳсулот ҳажмини қиёсий баҳоларда 558 миллион 175 минг сўмликка етказилиши кутилаётир.

— Мана ўттиз икки йилки, шу корхонада меҳнат қиламан, — деди машинист Мирзоаҳмад Ҳамроқулов. — Уни хусусийлаштириб олганимиздан кейин ишларимиз яна ҳам юришиб кетди. Ҳар биримиз машина-ускуналарни авайлаб ишлатадиган бўлиб қолдик. Чунки, ҳаммамиз шу корхона акциядорларимиз, яъни унинг муайян қисмига эгалик қиламиз. Бинобарин, қанчалик унумли ишласак, даромадимиз ҳам шунчалик юқори бўлади, меҳнат-маиший шароитимиз ҳам яхшиланиб боради.

Мустақиллик бизга аввало ўзимизни, ўз турмушимизни яхшилаш, қолаверса, эл-юрт иқтисодиётини юқори кўтариш имконини бераяпти.

Дарҳақиқат, иш ҳақлари, акциялардан тушган даромадлар вақтида тўланаяпти. Ўтган йили акциядорларга 56 миллион сўмдан кўпроқ дивиденд тўланди. Нақд ойлик иш ҳақи 189203 сўмга етди. Ишлаб чиқаришнинг ҳозирги суръати ишчи-хизматчиларнинг бу йилги реал даромадлари ойма-ойига ортиб боришини кўрсатаётир.

Корхонада ишчи-хизматчиларга яратилган шароит ҳақида ходимлар мамнуният билан гапиришди.

— Тушлик, ишга келиб-кетиш бепул, — деди ишчи Ўғилой Исмоилова. — Йил давомида меҳнатимизга монанд мукофотлар ҳам тўланаяпти. Рағбат олган одам ўзида ҳам меҳнатга рағбат ҳис қилади-да.

«Ангрен цемент комбинати» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш участкаларида иштиёқ билан меҳнат қилаётганларнинг кайфиятлари ана шундай. У ўзида бамисоли қуёш нурларининг томчидаги жилосидек, янгиланаётган, ўз бахти-тахтини ўзи яратаётган озод мамлакат аҳлининг орзу-интилишларини акс эттиради.

Гулжаҳон ЖАББОРОВА,
Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбирлари.

СУРАТДА: *ишлаб чиқариш жараёнидан лавҳа.*

31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

1933 йилнинг 3 март куни. Эрта тонг. Ҳали қуёш бош кўтариб улгурмаган. Атрофни баҳорий шудринг қоплаган. Боғда қушларнинг чуғур-чуғури, пахса девор устида қанотларини қоқиб, қичқираётган хўроз товуши тонгдан дарак берар эди. Пўлатхўжа ака уйғониб, боғ этагидаги сойга тушди. Юз-қўлларини ювди. Дорда осиғлиқ турган оппоқ сочиққа артинди. Шу тобда кўча эшигини кимдир қаттиқ тақиллатди. У эшикни очганда, рўпарасида қуролланган икки киши пайдо бўлди.

КУЙЛАРДАГИ ХОТИРА

— Пўлатхўжа Сиддиқхўжаев сен бўласанми? — деди улардан бири йўғон овозда. — Қамоққа олиндинг. Сабабини маҳкамага борганингда биласан.

... Улар Пўлатхўжани қўлига кишан солиб олиб кетишди. Нима бўлаётганига ақли етмаган 6 ёшли жажжигина қизалоғи Мунисхон мўлтиллаб, отаси ортидан бўталоқдек бўзлаб қолди...

Ўша кезларда Пўлатхўжа кўзга кўринган ишчи-деҳқон мухбирлардан эди. Унинг хабар ва мақолалари «Сувчи» тахаллуси билан республика газета ва журналлари саҳифаларида тез-тез босилиб турарди. 1926 йили Давилбой, Манноп деҳқон, Омилхон эшон, Ўрмон тегирмончи, Ўрмон ямоқчи, Шертой фирқа, Нўмонхўжа ҳисобчи, Мирюнус домла каби ҳамқишлоқлари билан Кавардонда артель тузишди. 30-йилларнинг бошига келиб унинг ташаббуси билан «Меҳнат-бирлик» колхози ташкил қилинди. Хўжаликнинг биринчи раиси ҳам унинг ўзи бўлди.

1932 йили Пўлатхўжа Кавардон қишлоғида чорвачиликни ривожлантириш мақсадида Россиядан бир ярим минг бош қўй олиб келди. Лекин орадан бир неча ой ўтгач, қўйлар юқумли касалликка чалиниб, бирин-кетин нобуд бўла бошлади. Шунда Пўлатхўжа қўйлар бекорга ҳаром ўлмасин, дея уларни оч-наҳор кун кечираётган деҳқонларга тарқатди. Бош ҳисобчи Ғилмиддин абзий тарқатилган қўйларнинг рўйхатини раис хонасидан ўғирлаб чиқиб, ёқиб ташлади. Раисни кўролмайдиганлар билан тил бириктириб, хўжаликнинг бир ярим минг бош қўйини суиистеъмол қилиб юборди, деб юқори ташкилотга шикоят ёзишди. Текширишлар пайтида дўқ-пўписалардан қўрққан одамлар биз қўй олмаганмиз, деб ёлғон кўрсатма беришди.

1933 йил 1 апрель куни бўлиб ўтган суд мажлисида Пўлатхўжа Сиддиқхўжаев жамоа хўжалиги мулкини талон-торож қилишда айбланиб, энг олий жазо — отишга ҳукм қилинди.

Ўлим камерасида 8 ой ётгач, унинг иши қайта кўриб чиқилганида, ҳеч қандай айби йўқлиги исботланди. Аммо ўз обрўсини йўқотишдан қўрққан олий суд Пўлатхўжани ўн йил қамоқ жазосига ҳукм қилади.

Ўша машъум йилларда Кавардон қишлоғининг ўзидан ўнлаб одамлар Сиддиқхўжаев билан яқин алоқада бўлганлиги учун узоқ муддатларга қамоққа олинди.

Пўлатхўжанинг умр йўлдоши Файзинисо ва қизи Мунисхонга ҳам кун беришмади. Улар яшаб турган уйда обдон тинтув ўтказишиб, Пўлатхўжа ёзиб қолдирган шеър ва ғазалларни ёқиб ташлашди.

Биз яқинда қатағон йилларининг ноҳақ қурбони Пўлатхўжа Сиддиқхўжаевнинг қизи Мунисхон ая Пўлатхўжаева хонадонида бўлдик. Онахон шу вақтгача отасининг қабри қаерда эканлигини билмаслигини айтди. Ўша куни Мунисхон ая муқоваси титилиб кетган «Гулистон» журналининг 1971 йилги 5-сонида таниқли журналист ва олим Тоҳир Пидаевнинг «Улар биринчилардан эди» сарлавҳали мақоласини кўрсатди. Мақолада қуйидаги сўзлар битилган: «Суратда: Ўзбекистон ишчи-деҳқон мухбирлари делегациясининг аъзоларини кўриб турибсиз, ёнида Юқоричирчиқ туманидаги Кавардон қишлоғидан деҳқон мухбир Пўлатхўжа Сиддиқхўжаев ҳам бўлган. Афсуски, суратнинг Пўлатхўжа Сиддиқхўжаев тасвирланган қисми йиртилиб кетган. П. Сиддиқхўжаев энг фаол ишчи-деҳқон мухбирлардан эди».

Мунисхон ая титроқ қўллари билан дутор чертади, отасининг қамоқхонада ёзган шеърларини куйлайди. Мана, етмиш йилдирки, Мунисхон ая «Халқ душмани» тамғаси билан қамоққа олинган отасини шу тариқа йўқлайди. Лекин отасидан ҳамон дарак йўқ. Армон эса аянинг юрагига тошдек ботиб қолган.

Латифжон МАНСУРОВ.

ХОМ АШЁСИ — ЧИҚИНДИ

«Бекободмонтаж» шўъба ташкилоти 1975 йили Ўзбекистон металлургия комбинатига қарашли қурилиш ташкилоти замирида вужудга келган. Унинг асосий фаолияти қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажаришдан иборат.

— 2006 йил жамоамиз учун қувончли келди, — деди ташкилот раҳбари Иномжон Мадиёров. — Бу йилги инвестиция дастурига биноан Хитой давлати билан ҳамкорликда қўшма корхона барпо этиб ишга тушириш режалаштирилган эди. Ушбу корхонада полимер маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Ҳозир ғишт заводига яқин ҳудудда корхона қад ростламоқда. Олиб борилаётган коммуникация жараёнлари ҳамда электр, газ, сув таъминоти каби масалалар хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда ҳал этилмоқда. Бино қурилиши ниҳоясига етказилгач, автоматлашган янги технологик линиялар олиб келинади. Уларни бошқариш учун эса малакали ишчиларни жалб этиш кўзда тутилмоқда.

Тўхтанисо ЖЎРАБЕКОВА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 8 август 2006 йилдаги ПҚ-438 сонли қарорига биноан «Тошкентвилоятгаз» ХГТ корхонаси — «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг унитар корхонаси шаклидаги «Тошкентгазтаъминот» ҳудудлараро корхонаси шаклида қайта ташкил этилди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ



барча ватандошларимиз, хусусан вилоят аҳлини улуғ байрам –

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 15 ЙИЛЛИК

шодиёнаси билан муборакбод этади!

Ҳомийлар ва шифокорлар йилидаги хайрли ҳаракатларимиз инсон бахт-саодатига хизмат қилсин!

Юртимиз тинч, осуда, маҳаллаларимиз файзу баракотли, юртдошларимиз соғ-омон, мустақиллигимиз боқий бўлсин!





«УГАМ-ЧОТҚОЛ»
давлат табиат миллий боғи ҳамда Чотқол диасфера қўриқхонаси жамоалари

азиз юртдошларимизни, шу жумладан, табиат муҳофазаси учун жонбозлик кўрсатаётган ўз ҳамкасбларини

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ

билан чин дилдан табриклайди! Ҳар бир хонадонга қут-барака, хотиржамлик ва бахт-саодатли кунлар доимо ёр бўлишини тилайди. Барчамизга Истиқлол шодиёналари муборак бўлсин!

Маҳалла

ГУРУМ БАЙРАМ АРАФАСИДА

Тошкент-Ўш магистрали бўйлаб Ангренга кириб борсангиз, ўнг томонда рамзий дарвоза пештоқидаги «Гурум маҳалласи» лавҳасига кўзингиз тушади. Бу ғайриоддий ном эътиборингизни тортади, вақт топсангиз, маҳалла ҳаёти билан танишиш, шу ерда яшаётган катта-кичик одамлар билан суҳбатлашишга жазм қиласиз.

Биз ҳам ана шундай қизиқиш билан маҳаллага кириб бордик. У Оҳангаронсойнинг ўнг қирғоғида, азим тоғлар этагида қад ростлаган қурувчилар, кончилар, кимёгарлар шаҳри Ангрен билан басма-бас шаклланган. Ҳозир маҳалладаги 343 хонадонда 470 оила бўлиб, уларда 2030 киши истиқомат қилади. Маҳалла аҳли асосан шаҳарнинг саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, тадбиркорлик соҳаларида ишлайди.

Оқсоқолни мактаб қурилишидан қидириб топдик. Холхўжа Юнусов Ангрен шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги вакили, бошқа мутасадди идораларнинг раҳбарларини қурилишнинг бориши билан таништириб юрган экан.

— Қурувчиларга янги бинода уч-тўрт кун ичида якунланиши керак бўлган ишларни кўрсатдик, — деди суҳбатдошимиз. — Янги қўшимча бино 210 ўқувчига мўлжалланган. Ҳозиргача 238 миллион сўмлик иш бажарилди. Ҳафта-ўн кунлик иш қолди. Қурувчилар, айтиш мумкинки, жонларини жабборга бериб ишлашяпти.

Ҳаётимиздаги энг азиз байрам — Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида Гурум маҳалласида одамларни хурсанд қиладиган бундай бунёдкорлик ишлари оз эмас. Кўчаларни айлансангиз, маҳалла ободлашиб, кўча ва майдонларга файз кириб бораётганлигига гувоҳ бўласиз. Бу ишларга Ангрен ИЭС, олтин кони, «Ангрен-лент» тадбиркорлик корхонаси жамоалари катта ёрдам кўрсатишяпти.

— Маҳалламизда, шундоққина мактабнинг биқинида бир бино кўп фурсат ўз ҳолига ташлаб қўйилганди, — суҳбатга қўшилади маънавият ва маърифат ишлари бўйича маслаҳатчи Ойсулув Абдунаматова. — Холхўжа ака оқсоқолликка сайлангач, шаҳар ҳокимлигига, бошқа идораларга қатнай-қатнай шу битмаган бино маҳалла қарамоғига ўтказилишига эришди. Кўплашиб чала ишларни битирдик. Шинам-шинам ўнта хона пайдо бўлди. Уларнинг бир қисмига маҳалла идорасини жойлаштирдик.

Илгари маҳалла фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси ўз биносига эга эмасди. Одамларни қабул қилиш, баъзи масалалар юзасидан кенгашиб, маслаҳатлашиб олишнинг имкони йўқ эди. Эндиликда кенг ва ёруғ хоналарда одамларни қабул қилиш, фаоллар, маслаҳатчиларнинг йиғилишини, турли учрашув ва суҳбатларни уюштириш мумкин.

Оқсоқол хонасига кирган кишининг кўзи дастлаб тўрдаги Давлат байроғи, Гербга тушади. Улар Мустақил юрт фуқаролари қалбида ўз Ватани, ўз юрти учун ифтихор туйғусини уйғотиб турибди.

Шу тариқа маҳалла гузари шакллана бошлади. Янги бинонинг бошқа хоналарида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш маркази, халқ банкининг филиали, сартарошхона, озиқ-овқат дўконлари очилди. Оқсоқолнинг саъй-ҳаракати билан «Соғлом авлод» жамғармаси ёрдамида кексалар ва ногиронларга бепул дори-дармон тарқатиляпти.

— Юрт-элга, халқингга хизмат қилишдан улуғроқ иш борми дунёда? — дейди хусусий тадбиркор, Ангрен шаҳар кенгашининг депутати Абдуқодир Бегматов. — Бизнинг «Ангрен-лент» корхонамизда 100 иш ўрни барпо этилди. Асосан, ўзимизнинг, атроф маҳаллаларнинг одамлари ишлашаяпти. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, аҳолига турли хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётирмиз.

Бу хусусий корхонанинг Ҳомийлар ва шифокорлар йилида соғлиқни сақлаш муассасалари, мактаб қурилишига кўрсатаётган ёрдами беқиёс. Оқсоқолнинг айтишича, ўткир юқумли касалликлар шифохонасини таъмирлаш ва қайта жиҳозлашга тадбиркор етарли маблағ ажратган. Ташландиқ жойда тўйхона, меҳмонхона қуриб, бутун бир янги гузар барпо этди. Гурум маҳалласида яшовчи кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларни муттасил қўллаб-қувватлаб келмоқда. Унинг кўмагида кўп болали Мавжуда Уришева хонадони соғин сигирли бўлди.

Маҳалла оқсоқоли шаҳардаги йирик корхоналар ёрдамида хонадонларда касаначилик асосидаги ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътиборни қаратмоқда. Гурум аввалдан ҳунармандлари билан машҳур. Энди кенг қўллаб-қувватланаётганлиги туфайли оилавий ҳунармандчилик оммавий тус олиб бормоқда. Бу ерда Бойматовлар, Қулматовлар, Бўрибоевларнинг пайпоқ-рўмол тўқиш ва ҳунармандчиликнинг бошқа соҳаларидаги тажрибасини маҳалла фаоллари бошқа хонадонларга ҳам кенг ёйишаётир.

— Иш кўп, — дейди оқсоқол. — Табиийки, ҳаммасига ёлғиз ўзим улгуришим қийин. Менинг ғайрат-ташаббусли ёрдамчиларим кўп. Маъмур Қулматов, Ёқубжон Бойматов, Сулаймон Ўроқулов, Улуғбек Ашуров менинг ишонган қанотларим. Фаолларимизнинг баҳамжиҳат ишлари туфайли мана икки йилдан ошдики, маҳалламизда ҳуқуқбузарлик, ажралиш ҳолатлари йўқ.

Кеч кирди. Келин-кеватлар кўчаларга сув сепа бошлашди. Бу салқинликка Оҳангаронсойнинг шабадаси қўшилди. Хонадонларнинг эшиклари олдида, катта-кичик майдонларда суҳбатлашиб турган одамлар чеҳрасида бардамлик, хотиржамлик. Катта гузардаги янги тўйхонада икки ёшнинг никоҳ кечаси бошланмоқда. Гурумликлар Мустақиллик байрамини хушхол, хушвақт кутиб олишаётир.

Гулчеҳра ЖАМОЛОВА,
Жўрабек МУРОДОВ.

Ифтихор

Ҳаётимиздаги энг улуғ, энг азиз байрамимизни яна шодхуррамлик билан кутиб олаяпмиз. Шу ўтган бир йил мобайнида ҳар биримизнинг ҳаётимиз унутилмас воқеа-ҳодисаларга бой бўлди, янгича мазмун касб этди. Ҳар биримиз, жумладан, ўзим ҳам камолот йўлида бир поғона юқори кўтарилдим, десам хато бўлмас.

ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДИМАН

Шу йили мен Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдим. Бу ҳақдаги қарор эълон қилинганида қанчалик қувонганимни, азиз юртимизда ҳар бир фуқаро, ўзининг миллати ёки иҳтимоий нуфузидан қатъи назар, ноумид қилинмаслигини чуқур англаб етдим. Мўътабар, муқаддас Ватаним — Ўзбекистонга муҳаббатим яна ҳам ошди.

Мактабни битиргач, Тошкент политехника касб-ҳунар коллежида ўқидим, ўзбек аёлларининг янги либос турларини яратиш ихтисосини эгалладим. Ҳозир Ўртачирчиқ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида ишлаб чиқариш таълими устасиман, тикувчиликдан қизларга дарс бераман. Устахонамиз шу йўналишга монанд жиҳозланган. Маҳалламизда эса, 20 қизни тикувчилик тўгарагига бирлаштириб, ҳунар ўргатаяпман.

Улуғ байрам арафасида ҳаётим, меҳнатим ҳақида ўйласам, мени тарбиялаган, ўз билими ва маҳоратини бағишлаган устозларим кўз олдимга келади, улардан чексиз миннатдор бўламан. Устозларим Абдурасул Ҳолиқов, Муножаат Қурбонова, Феруза Тожиева, Ҳусан Акромов бизга касб сирларини, элни танишни, ўзликни англашни ўргатишди. Уларга ҳамиша таъзимдаман.

Камола ПАРДАБОЕВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори.

ЁШ ОИЛА ПОЙДЕВОРИ

Халқимизнинг тўйи кўп, тантанаси бисёр. Айниқса, хонадонда карнай-сурнай садолари эшитилдими, демак, яна янги оила вужудга келмоқда, авлодлар занжирига яна бир ҳалқа уланмоқда. Бу азалий қадрият.

— Шу билан инсон ҳаёти бардавом, — дейди Оққўрғон тумани ФҲДЁ бўлими мудири Мунаввара Сайдаламова. — Туманимизда сўнгги йилларда никоҳ тўйлари кўпайиб бораяпти. Бу эса бизнинг зиммамизга катта вазифаларни юклайди.

Индаллосини айтганда, ёшларни азалий қадриятлар ва ота-боболаримиз анъаналари руҳида оила қуришларини ташкил этиш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

СУРАТДА: *туман ФҲДЁ бўлими мудири Мунаввара Сайдаламова мижоз Дилноза Абдурахмонова-га қайта тикланган ҳужжатларни топширмоқда.*

Пардабой ЭРГАШЕВ олган сурат.

Замондош

ҚИШЛОҚНИНГ ВИЖДОНИ

...Аёл йигирма беш ёшида бева қолди. Айни гулгун, ўйнаб-кулиб, яйраб-яшнаб юрадиган чоғда-я! Аслида Муҳтарамни ҳусн-малоҳатдан, ақл-идрокдан бекам қилиб Яратган эгам тақдирнинг аччиқ синовларини ҳам раво кўрди. Тўртинчи қизи Гулноза туғилгач, кўп ўтмай, хиёнат отлиғ қабоҳатга дуч келди. Муштипар аёл тўрт қизчаси, оламжаҳон армонлари билан ёлғиз қолди...

Дунёда кўнгил кўчасига эрк бериб, оқибатда эл назаридан қолган, фарзандлари меҳридан мосуво бўлиб яшаётган инсонлар йўқ эмас. Аммо, ҳаёт тарозиси ҳеч қачон ўз ҳисобидан адашмаган. Роҳату азобни бандасининг феълига қараб тақсимлайди, посонги тўғри бўлишида доимо қатъий туради. «Ишқилиб охирини берсин» дейишади доноолар. Яъни, қариганда ҳеч кимга хор-зор қилиб қўймаслигини илтижо қилишади. Муҳтарам ая ўзининг метин иродаси, қатъияти, аёллик шаънига қалқон бўлган сабр-тоқат, юксак ориятн, заҳматли меҳнатлари билан бугунги кунда эл эъзозига эришган пири бадавлат инсонлардан.

— Ҳаётда нималарни кўрмадим, — дейди ая. — Тўрт қизим билан ёлғиз қолганимда «бу азобларга, маломатларга қандай чидайман», деган ўй-хаёл ҳеч тинчлик бермасди. Шундай пайтларда яқинларим, қўни-қўшнилар, меҳр-оқибатли кишилар далда бўлишди. Мен уларга суяндим...

Меҳнат фаолиятини Қибрай тумани, Чинобод қишлоғидаги 28-боғчада фаррошликдан бошлаган Муҳтарам Ғоибова қолган умрини қизларига бағишлади. Шижоатли аёлнинг фарзандларини зориқтирмай катта қилиш учун ҳар қандай оғир меҳнатдан қочмай, ҳали мол, ҳали қурт боқиб, ҳали томорқасида егулик етиштириши ҳамқишлоқларини лол қолдирар, кўплар ҳавас қилар эди. Қатъиятли аёл орага одам қўйганларга «Мен қизларим учун яшайман» деб жавоб берарди.

Ҳа, Муҳтарам аянинг иши билан сўзи бир. Шунинг учун маҳалладошлари ҳурмат қилишади, муаммолари бўлса, маслаҳатга келишади. Дарвоқе, хўжаликда котиба, иш юритувчи вазифасида узоқ йиллар ишлаган аяни ҳозирги кунда Ўткир маҳалласи маслаҳатчиси сифатида эъзозлашади.

— Олдингизга маслаҳат сўраб келдим, — дейди ёшгина аёл. — Эрим билан ажрашмоқчиман. Бошқа илож йўқ!

— Қўй, қизим, қани бир бошдан сўзла-чи, нима бўлди ўзи?

— Э, қайнонам яшашимизга қўймайди, барибир. Ўғли бўлса, онасининг чизган чизиғидан чиқмайди.

— Қизим, буни умр савдоси, дейишади. Етти ўлчаб, бир кесиш ҳар қандай ишнинг хайрли тугашига сабаб бўлади. Ҳеч бўлмаганда фарзандларингни ўйла. Уларни ота меҳрига зор қилма?..

Шундай деди-ю, онахоннинг кўзлари ёшга тўлди. Унинг ўз ҳаёти кўз олдида жонланганди, гўё. Лекин ўзини тезда ўнглаб олди.

Ана шунақа, Муҳтарам ая ҳеч кимнинг фарзанди отасиз ёки онасиз ўсишини истамайди. Кўринишидан қатъиятли, ўзига ҳам, атрофдагиларга ҳам ўта талабчан туюладиган ўткир нигоҳли, кескир сўзли бу аёл табиатан юмшоқ кўнгил, болажон, дарёдил инсон. Буни маҳалладошлари алоҳида ҳурмат билан таъкидлашади.

— Одам фақат яхшиликни соғиниб яшаши керак, — дейди Муҳтарам ая. — Яратганга шукр, шу кунларга етдик. Мустақиллигимизнинг ўн беш йиллиги, менинг олтмиш ёшим оиламиз учун унутилмас воқеалар йили бўлди. Қизларим бахтидан тинган. Куёвларим ўқимишли, меҳнаткаш, ҳалол инсонлар. Кудаларим билан аҳил-иноқмиз. Чунки, қизларимни меҳнатсеварликка, инсонийликка ўргатдим. Яна такрор айтаман, бор нарсанинг қадрига етиш, шукрлилик фақат яхшилик келтиради. Мустақиллик шарофати билан эришган неъматларни ардоқлаш, асраб-авайлашни фарзандларимизга ўргатиш, Ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларини шакллантириш, аввало, биз оналарнинг муқаддас бурчимиздир.

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

бунёдкор халқимизни шукуҳли сана — мамлакатимиз

Мустақиллигининг 15 йиллик

байрами билан табриклайди.
Истиқлол йиллари юртимиз ҳудуди,
узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларимиз
улкан қурилиш ва янгиланиш майдонига айланди.
Қад ростлаган ва тикланаётган кўркам бино
ҳамда муҳташам иншоотлар, давлатимиз
қудрати ва салоҳиятидан сўзлаб турибди.
Азизлар! Эришаётган ютуқларимиз,
муваффақиятларимиз бунданда юксалаверсин!
Бунёдкорлик, яратувчанлик
ишларингизда омад ёр бўлаверсин!

Совриндорларимиз

Истиқлол — ўзингни, ўзлигингни намоён этиш, Ватанингга сидқидилдан хизмат қилиш имкониятидир. Мустақилликда ҳаёт кечириш бахтининг ўн бешинчи довони насиб этган бу кунларда юракда чексиз, беғубор туйғулар жўш уради.



МИЛЛИЙ МАДҲИЯМИЗ — СЕВГАН ҚЎШИҒИМ

Бугун она юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар ҳамда эл-юрт бахт-саодати йўлида қилинаётган улкан ишлардан дунё хабардор. Истиқлол шарофати туфайли Ўзбекистон довруғини оламга таратаётган кўплаб соҳалар қаторида спортнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Кўплаб спорт турлари сингари кикбоксинг ҳам мамлакатимизда мустақилликдан кейин жадал ривожлана бошлади. Ҳозирги кунда у энг оммавий ва ёшлар катта қизиқиш билан шуғулланадиган спорт турларидан бирига айланди. Республикамиз кикбоксингчиларининг халқаро майдонларда кўрсатаётган натижалари эса, таҳсинга лойиқ. Уларнинг юксак маҳоратлари туфайли дунёнинг 25 дан ортиқ давлатларида Ватанимиз байроғи ҳилпираб, мадҳиямиз баралла янграмоқда.

Бир пайтлар кикбоксинг бўйича ўтказилган баҳсларда ғолибликка даъвогарлик қилган Голландия, Россия спортчилари ҳам бугун ўзбекистонлик кикбоксингчилар билан рўбарў келганда ҳисоб-китоб қилишга мажбур бўлмоқда.

Зеро, Ўзбекистон доимо ботирликда тенги йўқ баҳодирлар юрти бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Мен болалигимдан спортнинг кикбоксинг тури билан шуғуллана бошладим. Ўшандаги илк машғулотлар орқали бу спорт тури менинг болаларча дунёимга яшиндек кириб келган. Кикбоксингда ҳаракатлар чиройли, аниқ ва чаққон. Инсон саломатлигига катта таъсири бор. Сабр-қаноатли инсон кикбоксинг билан шуғулланса, ҳеч қачон ҳаётда қоқилмайди.

2004 йилги Осиё чемпионати ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборди. Қизғин ва муросасиз кечган баҳсларда менга омад кулиб боқди. Барча рақибларимни ортда қолдириб, ғолибликни қўлга киритдим. Устозларим Шавкат Муллаев ҳамда Суннат Ғафуров раҳнамолигида кейинги мусобақаларга тайёргарликни янада кучайтира бориб, 2005 йил Самарқандда бўлиб ўтган халқаро мусобақада универсал жанг йўналиши бўйича ғолиб бўлдим. 2006 йили кикбоксинг бўйича ёшлар ўртасидаги халқаро мусобақада муваффақиятли иштирок этиб, навбатдаги ғалабамни қўлга киритдим.

Мустақилликнинг 15 йиллиги мен учун омадли келди. Пойтахтдаги «ЖАР» спорт мажмуида ўтган жаҳон чемпионатида финалга чиқишга муваффақ бўлдим. Бироқ, олтин медаль учун бўлган шу асосий беллашувда кучли рақибга имкониятни бой бериб қўйдим. Аммо, шундай нуфузли мусобақада фахрли иккинчи ўринни эгаллаш ҳам катта ютуқдир.

Президентимиз томонидан бизга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни доимо қалбдан ҳис этиб, Ўзбекистоннинг халқаро майдонлардаги обрўси бугунгидандa юксалишига ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан.

Даврон АШИРМАТОВ,
жаҳон чемпионати совриндори,
Бўка тумани.

Болалар спорти

ЖАҲОН СПОРТ МАЙДОНИГА ЙЎЛ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси спорт соҳасида эришилаётган ютуқларимизда ҳам яққол намоён бўлаётир. Шу маънода вилоятимизда болаларни спортга кенгроқ жалб этиш ва бунинг учун етарли шарт-шароит яратиш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш асосида шу кунгача жами 31 та болалар спорти мажмуаси қуриб, фойдаланишга топширилди. Хусусан, 2004 йилда Оққўрғон туманининг «Оққўрғон» ширкат хўжалигида, Бўка тумани Маданият маҳалласида, Ангрен шаҳридаги Облиқ, Қуйичирчиқ туманидаги Дўстобод қўрғонларида замонавий спорт мажмуалари болалар ихтиёрига берилди. 2005 йилда эса Чирчиқ шаҳридаги махсус ёпиқ спорт мажмуаси, Оққўрғон тумани марказидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби реконструкция қилинди, Чиноз туманидаги 26-мактаб спорт зали, шунингдек, Қуйичирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги спорт мажмуаси, Ангрен шаҳар 39-умумтаълим мактаб негизидаги спорт заллари қуриб, фойдаланишга топширилди. Аҳамиятли томони шундаки, 2003-2005 йилларда барпо этилган 18 та спорт иншоотига 100 миллион сўмлик қўшимча инвентарлар тақдим этилди.

Ўтаётган 2006 йилда вилоятимизда яна 13 та болалар спорти иншоотлари қад ростлади. Ҳозирги кунда 33 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, битта спорт мактаб-интернати, 50 та стадион, 624 та спорт зал, 16 та сузиш ҳавзаси, 38 та теннис корти, шунингдек, 3129 та баскетбол, 994 та волейбол, 359 та қўл тўпи, 664 та футбол, 362 та мини футбол, 24 та енгил атлетика майдонлари фаолият юритмоқда. Айтиб ўтиш жоизки, ушбу спорт мажмуалари барча зарур жиҳозлар билан таъминланмоқда.

Умумтаълим мактабларида 2992 та спорт секциялари ташкил этилган бўлиб, уларда 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган 204 минг 857 нафар ўқувчи мунтазам шуғулланмоқда. Спорт базаси анча мустаҳкамланганлиги туфайли кейинги йилларда спорт билан жиддий ва мунтазам шуғулланаётган ёшлар кескин кўпайди. Буни республика миқёсидаги мусобақаларда эришаётган ютуқларимиздан ҳам кўрса бўлади. Хусусан, «Баркамол авлод – 2005» спорт мусобақаларининг республика босқичи вилоятимиз спорт майдонларида ўтказилди. Мусобақаларда вилоятимиз терма жамоасининг фахрли учинчи ўринни эгаллаганлигини ёшларимиз кўп йиллар эслаб юришса, ажаб эмас. Ушбу мусобақаларда ёш спортчиларимиз 11 та олтин, 36 та кумуш ҳамда 36 та бронза медалларини қўлга киритишди.

Жамғарманинг белгиланган режасига мувофиқ умумхалқ байрамларини юқори савияда ўтказиш мақсадида вилоят халқ таълими бошқармаси, хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида спорт мусобақалари ўтказилаётир. Жумладан, бу йил умумтаълим мактабларида «Ватан ҳимоячилари куни» муносабати билан армрестлинг, миллий кураш, тош кўтариш, мини футбол, ўқ отиш, югуриш каби спорт турлари бўйича беллашувлар қизғин тус олди. 8 март, «Наврўз» умумхалқ байрами, Хотира ва қадрлаш, Халқаро оила ҳамда Болаларни ҳимоя қилиш кунларига бағишланган спорт мусобақалари ҳам мунтазам ўтказиб келинмоқда. Уларда 174 мингдан зиёд ёшлар қатнашди. Қизғин кечган беллашувларда иштирок этганлар жамғарма ва ҳомий ташкилотлар томонидан тақдим этилган 15 миллион сўмдан ортиқ қимматбаҳо ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Хулоса қилиб айтганда, бундан кейин ҳам жамғарма томонидан амалга оширилажак ишлар бисёр. Фақат уларни юқори савияда ва изчил йўлга қўйиш талаб этилади. Зеро, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишиши учун барчамиз масъулмиз.

Валерий МУРАТКИН,
болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали директори.

Олий лига

НИҲОЯТ — ҒАЛАБА

Футбол бўйича олий табақа жамоалари навбатдаги 21-тур учрашувларини ўтказдилар. Вилоятимизнинг олий лигадаги ягона вакили «Металлург» ўз майдонида «Шўртан»ни қабул қилди.

Аввалги турлардаги мағлубият бекободликларга руҳий зарба бўлганлиги ўйин давомида яққол кўзга ташланди. Биринчи бўлимда «Металлург» майдон марказини эгаллашга уринди. Бундан фарқли ўлароқ «Шўртан» ҳимояни эсдан чиқармаган ҳолда тез-тез хавфли вазиятлар содир этиб турди.

Шундай вазиятлардан бири иккинчи бўлимнинг 55-дақиқасида гол билан якунланди. Бундан руҳланган «Шўртан» футболчилари майдонда ўзларини эркин ҳис қила бошлашди. Бекободликлар эса учрашув охирлагани сайин майдоннинг ҳар бир қаричи учун курашишди. Бу саъй-ҳаракатлар ўзини оқлади. Рақибларининг кўплаб хатоларидан унумли фойдаланган металлургчилар 70-дақиқада Умиров ҳамда 80-дақиқада Гаврилов киритган тўплар эвазига ғалабани нақд қилдилар.

Турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Машъал» — «Тўпаланг» — 2:0, «Бухоро» — «Локомотив» — 1:1, «Хоразм» — «Сўғдиёна» — 0:4, «Қизилқум» — «Андижон» — 5:1, «Навбаҳор» — «Трактор» — 4:1, «Самарқанд» — «Нефтчи» — 0:1.

Олим ЭЛЁРОВ.

Иккинчи лига

ВИЛОЯТ КУБОГИ — «АНГРЕН»ДА

Олмалиқ шаҳрида футбол бўйича вилоят кубогининг финал учрашуви бўлиб ўтди. Ангреннинг «Ангрен» ҳамда Оққўрғоннинг «Акмал» жамоалари ўртасидаги ўйинни республика тоифасидаги ҳакам Раҳматилла Қоратоев бошқариб борди.

Тугаб бораётган вилоят чемпионатида биринчи ўринни муддатидан аввал нақд қилиб қўйган оққўрғонликларга шу кеча ғалаба қозониш насиб этмади. Турнир жадвалида учинчи ўринни банд этиб турган ангренликлар рақибларига муносиб қаршилик кўрсатишди. Ташаббус бир у томонга бир бу томонга ўтиб турди. «Акмал»чилар хужумкор ўйин кўрсатиб, хавфли вазиятларни содир этиш бўйича рақибларидан устунлик қилишди. Ангренликлар эса, бундан фарқли ўлароқ қарши хужумда фаолроқ ҳаракат қилиб, яратилган имкониятлардан унумлироқ фойдаланишди.

— Рақибларимиз айни пайтда эгаллаб турган даражаси сабабми, ўйинни бироз беписандлик билан бошлашди, — дейди «Ангрен»нинг 18 ёшли футболчиси Шерзод Бойматов. — Майдонда эса тамоман ўзгача вазият вужудга келди. Биринчи бўлимда тенгма-тенг ўйнадик. Аммо, иккинчи бўлимда ташаббусни ўз қўлимизга олдик.

Учрашув охирида ҳар икки жамоада ҳам бир қанча қулай вазиятлар юзага келди. Очиғини айтганда, оққўрғонликлардан омад юз ўгирди.

Шундай қилиб, 3:2 ҳисобида ғалаба қозонган ангренлик футболчилар вилоят кубогини ҳамда республика «Биллур соврин»и учун бўладиган мусобақаларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ўз мухбиримиз.

«ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ»
очиқ акциядорлик жамияти бошқарув кенгаши
мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши йўлида самарали меҳнат қилаётган кончиларни, юртимизнинг каттаю кичик аҳолисини
республикамиз Мустақиллигининг 15 йиллик байрами билан табриклайди!
Ҳар бир хонадонга тинчлик-тотувлик, бахт-саодат ёр бўлсин!
Дастурхонимиздан файз-барака аримасин!
Қутлуғ байрам шодликлари йилларга татиб, ҳурлик, фаровонлик барқарор давом этсин!

Ўзбекистон Мудофаага кўмаклашувчи «ВАТАНПАРВАР» ташкилотининг вилоят кенгаши

кўп миллатли Ўзбекистон халқини, хусусан, ҳарбий хизматчилар ҳамда Ватан олдидаги муқаддас бурчини ўтаётган ўғлонларимизни мамлакатимиз Истиқлолининг 15 йиллиги билан муборакбод этади. Мустақил Ватанимиз равнақи, тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилаётган ҳамюртларимизга ушбу қутлуғ кунларда бахт-иқбол, тинчлик-тотувлик, қут-барака тилаймиз!

ЕТТИНЧИ «СОҒЛОМ БОЛА ҲАФТАЛИГИ»

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) билан ҳамкорликда "Соғлом бола ҳафталиги" шиори остида тадбир ўтказмоқда.

Ушбу кенг кўламли тадбир йилига икки марта – февраль ва август ойларида ўтказилади. Бу галги тадбир – сўнгги тўрт йил давомидаги еттинчиси. Барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида кампанияни амалга оширишда соғлиқни сақлаш тизимининг 2800 дан ортиқ дастлабки бўғин муассасалари иштирок этмоқда.

Ҳафта давомида болажонлар отаоналари билан биргаликда қишлоқ врачлик пунктлари ва шаҳар шифохоналарига борадилар. Тиббиёт ходимлари дастлаб уларни кўрикдан ўтказиб, ярим йил давомида боланинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун етарли миқдорда А витамини берадилар.

ЎзА.

ПАРТИЯДОШЛАР ФИКРЛАШИШДИ

Чирчиқ шаҳридаги ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида «Истиқлол менинг тақдиримда» байрамолди учрашуви ўтказилди. Унда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фаоллари, вилоят академик лицей ва коллежлари, халқ таълими намояндалари иштирок этишди.

Ўзбекистонда мустақиллик йиллари эришилган ютуқлар, ёшларнинг орзу-умидлари, қизиқишларини ўрганиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш масалалари теварагида фикрлашиб олинди. «Ишбилармон ўқувчи» анъанавий кўрик-танловининг бу йилги вилоят босқичи ғолиблари тадбиркорлик соҳасидаги ютуқ ва муаммолари билан ўртоқлашишди.

Учрашув таниқли санъаткорларнинг чиқишлари билан якунланди.

Раъно ХОЛИҚОВА.

Шеърият

УЛУҒ ЭЛМИЗ, НИЯТИ ХОЛИС...

ТАҚДИР БАҲОРИ

Қуёш битта, Ватан ягона,
Азалдан бор шундай ақида.
Кўнглимдаги изҳорим яна
Шу ягона Ватан ҳақида.
Ватан меҳри қалбларда олов,
Маёқ каби порлаб туради.
Ватан меҳри қўлларда ялов,
Мақсадларга чорлаб туради.
Ўтда куймай, сувда оқмаган
Аждодларга ворисмиз, ворис.
Курашларда ортга боқмаган,
Улуғ элмиз, нияти холис.
Мустақиллик — тақдир баҳори,
Бахтимизга дебочадир.
Бунёдкорлик ишқи, хумори
Юрт ҳуснига зеб очадир.
Меҳнат қилса кекса-ёш бунда,
Пайдо бўлур изида бўстон.
Ёзаверсам таърифин кунда
Яратилар ҳар кун бир достон.

ФАХРИЯ

Фахр қил, юртга юкин,
Унинг шонли садоси бор.
Гардларин кўзга суртгин,
Ҳар гардида жилоси бор.

Одил тахтда одил турган,
Озодлик деб кўп от сурган,
Адолатли давлат қурган,
Амур Темур бобоси бор.

Жаҳолатдан нари қочган,
Элга ҳадис нурин сочган,
Дилга иймон йўлин очган,
Ал-Буҳорий зиёси бор.

Тиб илмининг пири бўлган,
Қўш устуннинг бири бўлган,
Ўзбек элин эри бўлган
Улуғ Ибн Синоси бор.

Қўлинг ишда бўлсин деган,
Қалбиятинг ғамин еган,
Айтганига амал қилган,
Нақшбандий хожаси бор.

Кўрмагандир ҳали олам,
Бундай якто соҳибқалам,
Ижод боғин султони ҳам
Навоийдек даҳоси бор.

Кўзда юлдуз ранги ёнар,
Сомон йўлин чанги ёнар,
Қинда қилич занги ёнар,
Улуғбекдек сиймоси бор.

Эркин куйлаш мудом сози,
Адолат дер тош-торози,
Ҳар ишидан халқи рози-
Доно раҳнамоси бор.

ЎЗБЕКЛАРДАН ЎРГАНИНГ

Ўзбекистон тупроғи мармарлардан яралган,
Сутдек ойдин тунлари қамарлардан яралган,
Пахтазор майдонлари, ғаллазор хирмонлари,
Беқиёс имконлари самарлардан яралган.
Манглайида маржон дур, тер эмасдир кўрганинг,
Ерни тавоф этишни ўзбеклардан ўрганинг.

Саҳрога жон бахш этган Фарҳодлари бор юртнинг,
Гўзалликни нақш этган Зуҳролари бор юртнинг,
Илму фан чўққисидан юлдузга нарвон қўйган
Беруний, Улуғбекдек даҳолари бор юртнинг.
Қандай завқли фалакка боқиб, ўйлар сурганинг,
Юлдузлар кашф этишни ўзбеклардан ўрганинг.

Маҳаллалар кўркидир нуроний отахонлар,
Хонадонлар файзидир муниса онахонлар,
Шулар сақлаб юришар юртимизнинг шаънини,
Қадр топиб қарилик, омон юрсин ҳар жонлар,
Муборак бўлсин, юртдош, ҳимматга юз бурганинг,
Дилни обод этишни ўзбеклардан ўрганинг.

Меҳмонгадир уй тўри, мулозамат жон қадар,
Сағирларга қалб қўри, ичса ҳам ёвғон қадар,
Отага тик боқмагай, ўпар она пойини,
Ўзи емай, бировга нон тутар имкон қадар,
Олам аҳли унутмас адолатда турганинг,
Ҳақ йўлини тутишни ўзбеклардан ўрганинг.

Гулшода ҚУРБОНОВА, Қибрай тумани.

«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 6 сентябрь куни чиқади.

ОФТОБ

(Ҳикоя)

Кунбеткай қилиб солинган уйнинг узунчоқ равонида бир-бирига орқа ўгириб чол билан кампир ўтирибди. Олдиларига дастурхон ўрнига қўл сочиқ ёзилган, биттадан чойнак-пиёла, нон қўйилган. Улар бир-икки кундан бери араз, гаплашмайдилар. Чойдан қуйиб, бир хўплайди-ю, чол аста ўх тортади, кампир қилт этиб тупугини ютади. Иккаласининг ичи пишиб кетган, иккаласининг ёрилгиси келади, бироқ ғурур йўл бермайди.

Шу пайт ташқарида оёқ товуши эшитилди. Чол-кампир умидвор бўлиб эшикка қарашди. «Назарали!» деб ён қўшниси Ҳайдар ота кирди.

— Ассалому алайкум, яхшилар!

Чол ҳам, кампир ҳам индамади. «Келинг» дегандай бош қимирлатиб қўйишди.

— Қалай, ўйнаб-кулиб ўтирибсизларми? Уч кун бўлди, кўринмайсан, Назарали? Нима гап, тинчликми деб...

Чол ҳам, кампир ҳам қўл сочиқнинг попугини ўйнаб, ҳамон тек ўтиришибди. Ҳайдар ота тўхтаб қолди. Кейин илжайди:

— Ие, ҳа, нима бўлди? Яна ораларингдан ола мушук ўтдими? Оббо-о! Қариганда ёш боладай тумтайиб... Тавба! Шу тобда невара-чеваларингдан биттаси келиб қолса, нима деган одам бўласанлар? Хўш, Ҳалимахон, нима бўлди?

Кампирнинг кўзига ёш келди. У чолига ияк қоқди:

— Нима бўлганини анави қоқвошдан сўранг! — деди овози титраб. Чолдан ҳам дарров «алик» қайтди:

— Йўқ, нима бўлганини шу тиши йўқдан сўра! Тариқча гуноҳим бўлса, айтсин!

— Айтаман ҳам!

Чол-кампир ўтирган бўйларича Ҳайдар отага ўгирилдилар. Ҳалимабону иргиб туриб, қўшнисига кўрпача солди, бир пиёла чой қуйиб узатди. Сўнг арзи ҳол айтди:

— Айланай уста, бу ўртоғингизга бир бало бўлди. Қариганда қони қуюлдими, қайдам. Бирам тажанг, бирам бесабр... Сал нарсага лов этиб ёнади-кетади.

— Ўтлаяпти-да, бунга ишонма, — деди Назарали ота. — Кейинги вақтларда сал... — у бармоғини чаккасига қадаб, буради, — шунақароқ бўлиб қолган.

— Шошманглар, жанжал нимадан чиқди ўзи?

— Мирмишилдан. Икки кун бўлди. Абетга нима қилай, дадаси, десам, юмшоқроқ нарса бўлсин, деди. Унда мирмишил қовура қолай, селини мўлгина қилсам, аччиқ чой билан еб олар, дедим. Мирмишилни оби-тобида қовуриб, ботар-ботмас қилиб сув солдим-да, биқ этиб қайнаши билан устига товоқ бостирдим. Токнинг тагини теша чопиқ қилиб қўйдим. Икки йўлгина райҳон ўтқазсам, ёзда одам бўйи бўлиб, гуркираб ётса, боз шу чолнинг шўрвасига асқотади-ку, дедим. Райҳон кўчатни экиб бўлиб, ошхонага кирдим. Қарасам, мирмишил сал тагига олибди. Газ ўлгур лопиллаб кетганми, нима бало бўлган... Хуллас, бир лаган қилиб, мурч-пиёзлаб сузиб кирдим. Бу тўрам, қошиқни шундоқ солиб, лаганни бир ағдарди-ю, овқатми бу, похолми, деб олди-урди, олди-урди...

Кампир рўмолининг учига кўзини артди.

Ҳайдар ота ялт этиб ўртоғига қаради:

— Ҳўв, менга қара! Сени нима жин урди? Муштдай кампирга қўл кўтариб ўтирибсанми ҳали?

— Эсинг жойидами ўзи? Ҳозир хотин урадиган замонми? — тўнғиллади Назарали ота. — Бурнига битта чертиб қўйсанг, қиёматга довур қувар буларинг... Хонтахта четида пиёла турган экан, шундай... тирсагим тегиб кетиб...

Ҳайдар ота «Сиз нима дейсиз?» дегандай Ҳалимабонуга юзланди. Кампир шошиб ёқасига туфлади:

— Тавба қилдим... Оғзида илми билан ёлғонни сувдай ичади-я...

У этакларини ҳилпиратиб, ичкарига кириб кетди. Салдан кейин латтага тугилган нарса кўтариб чиқди. Жаранглатиб Ҳайдар отанинг олдига қўйди.

— Мана, кўринг, уста ака! Қулочкашлаб отди денг пиёлани, шкафнинг ойнаси кунпаякун бўлди. Уйга кириб қаранг, бир кўзига парда тутиб қўйибман. Қизим Московдан олиб келиб берган ликопчалар ҳам синди, ойим раҳматликдан қолган мана бу жонон пиёла ҳам бир сиқим бўлди. Мана, мана! — у пиёла синиқларини устанинг олдига суриб қўйди. Ҳайдар ота собиқ пиёланинг бир бўлагини олиб, томоша қилди. Нозик мўйқалам билан чизилган суратда бир-бирига дон бераётган иккита қушнинг калласи тасвирланган эди. Уста уларга маҳлиё бўлиб қолди. Назарали ота, бу кампирмнинг ёнини олмасин, деб қочириқ қилди:

— Саккиз еридан чегаланган сополни пиёла деб юрибди...

Ҳалимабону муросага келишни ўйлаб ўтирувди, бироқ чолининг кейинги гапи жон-жонидан ўтиб кетди. Назарали ота гўё пиёла баҳона, марҳум қайнонасини масхара қилгандай эди. Ҳалимабону ҳам «отнинг бошини» қўйди:

— Ўн саккиз еридан чегаланган бўлса ҳам, яхшидан қолган ёдгорлик эди. Ҳар сафар лабимга оборганимда гуп этиб онагинамнинг нафаслари келарди... Ўргилай, уста, қирқига чиддим, қирқ бирига чиддим. Ортиқ мажолим қолмади. Қилдан қийиқ ахтаради. Бир ёстиқ қўйсанг, паст дейди, икки ёстиқ қўйсанг, баланд дейди. Калишининг патаги йўқолса ҳам мендан кўради. Кучук ўлгур акилласа, овозини ўчир, деб бақиради. Мен кучукка ангилла, деб ўргатиб қўйибманми, жон уста, ит бўлгандан кейин ҳуради-да.

Ҳайдар ота бўшаган пиёлани Ҳалимабонуга узатди. Назарали ота шуни пойлаб турган эди, дарров ўз чойнагидан чой қуйиб чўзди. Уста илжайиб, иккинчи «рақиб»нинг чойини олди. Кампир пиёла синиғини латтага туга бошлади. Чоли устага имлади:

— Ўзининг айби йўқмикан, сўрачи? Нимага шўрвага сочидан қўшиб солиб бераркин? Идиш-товоқдан нуқул сузма ҳиди келади.

Кампир силтаниб ўрнидан турди.

— Айтинг ўртоғингизга! Сузма ҳиди келса, энди келгандир. Қиз вақтимда қанақа сочим бор эди. Нақ тўпиғимга тушарди. Сочингиздан атир иси келади, деб бармоғига ўраб ўтирарди ўзи. Бу кишини кимсан — Назарали домла қиламан, деб шу аҳволга тушдим. Ҳа, шундоқ деб айтинг, ўртоғингизга! Бўлди, жонимдан тўйдим!

Ҳайдар ота қараса, бўлмайдиган, иш чаппасига кетаяпти. У сакраб турди:

— Уй-рўзғор бўлгандан кейин ҳар хил гап ўтади. Гоҳо пиёла синади, гоҳо овқат тагига олади. Арзимаган нарсага бунақа бўлиб ўтирсанглар... Маҳалла-кўй эшитса, кулмайдими? Ундан кўра мен ҳозир қулинг ўргилсин қилиб битта ош дамлай, бултурги мусалласдан қолган бўлса, Назарали ертўладан олиб чиқсин, яраш-яраш қилайлик. Нима дединг, Назар?

Чолнинг ярашгиси бор эди, негаки айб ўзидан ўтган, бунинг устига ҳадеб чой билан нон кавшайвериш жонига теккан эди. Шундай бўлса ҳам:

— Анави тиши йўқдан сўра, — деди ҳамон паст тушгиси келмай.

Ҳайдар ота кампирга қаради:

— Лаббай, Ҳалимахон?

Кампирнинг ҳам кўнгли эриб турибди. Сиртида қойиса-да, ичида чолига раҳми келарди. Бироқ «рақиб»ига бирдан таслим бўлгиси келмади:

— Ошни еб, кучга минса, яна дўмбирасини чалади, биламан, — деди иккиланиб.

Булар муросага келмайди шекилли, деб Ҳайдар ота хўшлашди:

— Ҳай, майли, ўзларинг биласанлар. Омон бўлинглар. Апоқ-чапоқ вақтларингда кирарман.

У кўчага чиқиб, ўйланиб қолди: «Ишқилиб, қариганда дардкашингдан айирмасин экан. Булар эллик йилдан бери бир-бирига суйкалиб, бир-бирини искаб ўрганиб қолишган. Бунақа ҳурпайиб ўтиравуришса, эзилиб кетади-ку? Бир иложини қилмасам бўлмайди. Нима қилсам экан?.. Э, топдим».

Назарали отанинг кенжа қизи Дилором қишлоқдан йигирма чақиримча нарида, кончилар шаҳарчасида турарди. Ҳайдар ота мактабга тушиб, Дилоромга телефон қилди. Даданг билан ойинг неварасини соғинибди, тез олиб келиб, кўрсатиб кетмасанг бўлмайди, деди. Кейин, мен тилпон қилганимни айтма, деган тайинлади.

Бу пешиндаги гап эди. Кечга яқин Дилоромхон ўғлини кўтарганча, ҳовлиқиб кириб келди. Гарчи Ҳайдар ота, тинчлик, деган бўлса ҳам, у ойимларга бир нарса бўлганмикан, деб хавотирда эди.

Чол тўрт қават кўрпача солиб, «Иброҳим Адҳам»ни ўқиб ётган эди, қизининг кирганини сезмади.

— Ассалом, ада... — Дилором боласини бир четга ётқизди-ю, югуриб бориб дадасини қучоқлади. — Яхши ўтирибсизларми? Жим бўлиб кетдинглар, бир хабар олай, дедим. Ойим кўринмайди?

— Юргандир-да, ивирсиб, — деди чол энсаси қотиб.

— Қарай-чи, ҳовлида бўлсалар керак.

Дилором чиқди. Чол чўзилиб неварасига қаради. Пишиллаб ухлаб ётибди. Аста туриб қўлига олди, суйиб эркалади. Чақалоқ уйғониб кетиб, йиғлади. Йўрғалаб кампир кирди. У «Вой, неварагинам келибдику!» деб чоли тарафга бир қадам босди, лекин аразлиги эсига тушиб, тўхтаб қолди. Бола чириллаб йиғлай бошлади. Кампир югургилаб келиб, неварасига қўл чўзди:

— Бу ёққа беринг! Бола кўтаришни билмайсиз, — деди зарда билан.

— Сен билсанг бўлди, — деди чол кампирининг гап очганига суюниб.

Бувисининг қўлига ўтган заҳоти невара тинчиди. Ҳалимабону бола баҳона, чолга гапира кетди:

— Неварагинамнинг қўлчасини қайириб қўйибсизда, бобоси... Нодир ўғлим, ботир ўғлим... Қани, бобонгга салом бер-чи. Ашшалом, бобожон, дегин, бувимни хафа қилшангиз, шақолингизни юламан, дегин...

Бу — кампирнинг сулҳ таклиф қилгани эди. Чол бажонидил уни қабул қилди:

— Ваалайкум ассалом, ўғлим. Бобом энди тажанглик қилмайди, де бувингга. Ёзда сизни Тошкентга обориб, тилла тиш қўйдириб беради, дегин...

Дилором кирди. У ойиси билан кўришиб бўлиб, сўради:

— Қоринларингиз ҳам очгандир, мен овқатга уннаб юборай, нима пиширай, ойи?

Ҳалимабону неварасининг юзкўзидан ўпа туриб, деди:

— Аданг бечора кечадан бери норинни соғиндим, деб ўтирувди. Гўштни мўлроқ солиб, норин қил, болам.

Назарали ота ҳам неварасига ёпишиб жавоб қилди:

— Йўқ, аччиқчина шавла қила қол, қизим. Онанг шўрлик юмшоқчина есин, қийналмасин... Айтганча, Ҳайдар отангниям чақир...

Муғомбирона илжайиб, Ҳайдар ота кирди. У ҳеч нарса билмагандай, Дилором билан ҳол-аҳвол сўрашди.

— Э, қуллуқ бўлсин, кўз ойдин! Дилоромхон қизим билан невара келиб, уйларингда офтоб чиққандай бўлибди-ку! Дуруст, дуруст...

Ҳайдар ота ўтириб, дуога қўл очди:

— Қани, омин, тўрт кўз тугал бўлсин, ишқилиб, ҳеч кимнинг офтоби ўчмасин, ҳамма вақт чарақлаб турсин!..

Саъдулла СИЁЕВ.

Тошкент вилояти Охангарон туманида жойлашган «Охангарон автобус-такси саройи» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг барча акциядорлари диққатига!

Жамият тугатилаётганлиги муносабати билан акциялар номинал қиймати миқдорида «Халқ банки» Охангарон бўлими омонат ҳисоб варағига ўтказилди.

Маълумот учун телефонлар: 8-(264)-5-25-40, 378-86-79.

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар Генерал Собир Раҳимов номидаги ижтимоий-хайрия жамғармасининг думалоқ мухри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянное лицензионное соглашение за № 90059/1575-03, выданное Минздравом РУз в 2003 году на фармацевтическую деятельность Республиканскому специализированному центру микрохирургии глаза, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Тошкент Фармацевтика институти томонидан 1985 йилда Исакулова Зулфизар Бектемировна номига берилган (рег. рақами 6509), МВ 1 079726 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Парранда-Инвест» масъулияти чекланган жамияти жамоаси жамият директори Хуснитдин Усмоновга онаси **Шарифа ая СОЛИХОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1040. Адади 3483. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 00.00. 1 2 3 4 5 6